Тошкент ҳақиқати

№ 175 (10.424).

1992 йил 24 декабрь пайшанба

Баҳоси 3 сўм.

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ — Ал-Азҳар университетининг фахрий доктори

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Миср Араб Республикасига расмий ташрифи муваффақиятли тугади. Бу сафар жаҳон илм-фани ва маданиятига салмоқли ҳисса қўшган икки диёр — Миср билан Ўзбекистон ўртасидаги тарихий алоқаларни янги поғонага кўтариши шубҳасиздир. Кўҳна Нил соҳилларида мустақил Ўзбекистон вакиллари катта иззат-икром ва юксак эҳтиром билан кутиб олиниши, айниқса муҳтарам Президентимизга бутун мусулмон оламида машҳур бўлган Ал-Азҳар университетининг фахрий доктори илмий унвони берилиши республикамизнинг барча фуқароларини, айниқса дин аҳлини беҳад қувонтирди. Ал-Азҳар университети илмий кенгашининг қарорига биноан бу юксак унвонга Ислом Каримов «Ислом динини муҳофаза қилиш ва мусулмон олий ўқув юртлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашдаги хизматлари учун» сазовор бўлдилар.

Дунё миқёсида мўътабар илм даргоҳларидан бири ҳисобланган Ал-Азҳар университети илмий кенгашининг бу қарори замирида тарихий аҳамиятга молик кўпгина хайрли ишлар борлигини шарҳлашдан олдин муҳтарам ўқувчиларимизга мазкур университет ҳақида қисқача маълумот беришни лозим топдик.

Мисрда ҳукмронлик қилган фотимийлар сулоласига (909—1171 йиллар) мансуб халифа Ал—Муизнинг Фармонига мувофиқ унинг ҳарбий бошлиқларидан бири Ал—Жавҳар томонидан дастлаб 972 йилда Қоҳирада шу номда жомъе масжиди қурилиб, 996 йил масжид ёнида мадраса тарзида яна бир ўқув юрти ҳам бунёд этилади. Унда Қуръони Карим, пайғамбаримиз Алайҳиссаломнинг Ҳадиси Шарифлари, фиқҳ, араб тили, навҳи сарфи ва бошқа фанлар чуқур ўргатила бошланди. Кейинчалик, аниқроғи, 996 йилга келиб бу мадраса бутун мусулмон оламида машҳур бўлган йирик университетга айланди. Ўша пайтдан бошлаб Ал—Азҳар университети нафақат Миср учун, балки ислом дини тарқаган кўп мамлакатлар учун илоҳиёт, ҳуқуқ, араб филологияси соҳасида малакали кадрлар тайёрланадиган етакчи илм-маърифат масканига айланди. XVIII асрдан бошлаб эса Ал—Азҳар университети деярли бутун мусулмон мамлакатлари учун илоҳиёт соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш билан бирга исломий меросни ўрганиб, тарғиб қиладиган йирик илмий марказ сифатида ҳам шуҳрат қозонди.

Мисрликлар ва кўплаб чет элликлар учун Ал—Азҳар азалдан муқаддас бир даргоҳдир, хавф-хатар пайтларида ҳам, фалокат ва бахтсизликка дучор бўлганда ҳам Ал—Азҳардан нажот излаб, унга илтижо қилганлар. Маккаи Мукаррамага ҳажга кетадиганлар ҳам Ал—Азҳарда тўпланиб, шу ердан йўлга чиқиб, қайтганларида ҳам аввал унга келиб шукроналар билдириб, кейин уйларига тарқаш одат тусига кириб қолган.

Миср халқи озодликка эришгандан кейин (1952 йил) Ал—Азҳар мажмуига эътибор янада ортди. 1961 йилда марҳум Президент Жамол Абдул Носирнинг имзоси билан «Ал—Азҳарни ривожлантириш ҳақида» махсус Қонун қабул қилинди. Давлат университетига айлантирилган Ал—Азҳарнинг бош имоми ва университет ишлари бўйича вазир Президентнинг Фармони билан тайинланадиган бўлди. Мазкур қарорнинг муҳим бандларидан бирига мувофиқ университетда мавжуд диний факультетлар билан бирга дунёвий йўналишлардаги янги факультетлар очилиб, уларнинг сони тўққизтага етказилди. Булар илоҳиёт ёки дин асослари, адабиёт, маъмурий ишлар, тижорат, политехника, қишлоқ хўжалиги, табобат, педагогика ва хотин-қизлар факультетларидир. Бу диний ва дунёвий ўқув юртлари мажмуасида ҳозирги вақтда 80 дан ортиқ мамлакатдан 100 мингдан кўпроқ ёшлар таълим оладилар. Ал-Азҳар университети нафақат мутахассислар тайёрланадиган ўқув маскани, балки йирик илмий марказ сифатида ҳам машҳурдир. Унинг фондида йигирма минг жилддан ортиқ нодир қўлёзмалар, юз мингга яқин нашр этилган адабиётлар мавжуддир.

Университет қошида ислом тадқиқотлари академияси, бир қанча илмий, диний-маърифий муассасалар фаолият кўрсатади. Ал-Азҳар муҳтазам равишда ўз журналлари ва даврий нашрларини чоп этади. Ҳозирги вақтда Ал-Азҳар университети ислом дини тарқаган барча мамлакатлар учун малакали мутахассислар тайёрланадиган замонавий йирик ўқув маркази десак ҳам муболаға бўлмайди. Унинг ректори (арабча шайхул азҳар) мамлакатнинг бош диний раҳбари сифатида катта ҳуқуқларга эга, нуфузли шахс ҳисобланади.

Сўнгги уч йил мобайнида, Ўзбекистонимизда қарор топаётган ижтимоий адолат, айниқса, мустақиллигимиз шарофати билан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётимизда улкан ўзгаришлар содир бўлмоқда. Шулар жумласидан маънавий дунёмиздаги ижобий ўзгаришлар алоҳида тахсинга сазовордир. Яратганга шукрлар бўлсинки, биз ўзлигимизни англай бошладик, тарихимиз, маданий меросимиз, бой ва кўҳна қадриятларимиз, айниқса, динимизнинг равнақи йўлида ҳеч бир муболағасиз тарихий ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Ислом дини тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларимиз имом Ал-Бухорий, имом Ат-Термизий қаламига мансуб пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадиси шарифлари, диний мазмундаги адабиётларнинг, хусусан, Қуръони каримнинг биринчи маротаба ўзбек тилида нашр этилиши, минглаб масжид-жомъеларнинг очилиши ва эскиларининг таъмирланиши, мадрасалар сонининг бир неча баравар кўпайиши, диний таълим-тарбия олишга эътиборнинг кучайиши, муҳтарам Президентимиз Фармони билан рўза ва қурбон ҳайитлари биринчи кунларининг дам олиш куни деб эълон қилиниши, маданий маънавий ҳаётимиздаги катта воқеалардир. Ота-боболаримизнинг муқаддас шаҳар Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавварани зиёрат қилишдек азалий орзулари ушалиб, бу йил мустақил Ўзбекистоннинг тўрт ярим мингдан ортиқ мўмин мусулмонлари муборак ҳаж сафарини адо этишдек буюк неъматдан баҳраманд бўлдилар. Шарқ тиллари, аниқса Қуръони карим тили бўлган араб тили республикамиз мактабларида, янги очилаётган лицейларда, олий ўқув юртларида кенг кўламда ўрганилмоқда. Тошкент Давлат доридфунуни Шарқ факультети заминида Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг ташкил этилиши шарқшунос, айниқса, арабшунос мутахассислар тайёрлаш борасида муҳим босқич бўлиши шубҳасиздир. Бой тарихимиз, улкан меросимизни чуқур ва илмий ўрганиш, динимизнинг равнақи йўлида тарихан қисқа муддат ичида амалга оширилган бу хайрли ишлар мазмун-моҳияти жиҳатидан бир неча ўн йилликларга тенгдир.

Халқимизнинг дилини ёритган, ғурури-ифтихорини тиклаган бу хайрли ишлар собитқадамлик билан муҳтарам Президентимизнинг бевосита раҳбарлиги остида амалга оширилмоқда. Мустақил жумҳуриятимиз раҳбарияти, шахсан Президентимиз Ислом Каримов одиб бораётган ташқи сиёсатимизда мусулмон мамлакатлари билан алоқаларимиз алоҳида ўрин тутади. Чунончи, Президентимиз Ислом Каримовнинг Туркия Жумҳурияти, Покистон Ислом Жумҳурияти, Саудия Арабистони Қироллиги, Эрон Ислом Жумҳурияти ва, ниҳоят, куни кеча Миср Араб Жумҳуриятига қилган дўстона сафарлари тарихий илдизларимиз яқин бўлган бу мамлакатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу мамлакатларнинг ҳар бирида ҳам Ўзбекистон Президенти алоҳида ҳурмат билан кутиб олинди. Бу бежиз эмас, албатта. Бутун ислом дунёсида машҳур бўлган юзлаб буюк алломаларни етиштирган табаррук заминда кейинги йилларда азалий қадриятларни тиклаб, тарихимиз, динимиз равнақи йўлида амалга ошираётган улкан ишлари эвазига Президентимизга шунчалик катта иззат-икром ва эҳтиром билдирилаётганидан халқимиз ҳақли равишда фахрланадилар.

Республикамизда мавжуд сиёсий барқарорлик, тинчлик, осойишталикни сақлашда жумҳуриятнинг ҳар бир фуқароси, жумладан, диндорларнинг ҳам ҳиссалари бор. Бу хусусда Президентимиз ўз маърузаларида ҳам кўп марта таъкидлаганлар. Собиқ Совет Иттифоқининг талай минтақаларида, айниқса, қўшни Тожикистонда бўлаётган можаролар, қон тўкишлар, миллий низолар митингбозлик, қонунларга риоя қилмаслик, турли гуруҳларга бўлиниш, демократияни рўкач қилиб, эҳтиросларга берилиб кетишлик, диний мутаассиблик, сиёсий беқарорликка сабаб бўладиган салбий ҳаракатлар натижасида содир бўлди. Бу ноҳуш воқеаларда, айниқса, дин арбобларининг ҳам иштирок этгани ғоят афсусланарли ҳолдир. Дарҳақиқат, элу юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлашда ҳар бир фуқаро масъулиятли бўлиб, барча масалаларни ўзаро ҳамжиҳатлик, муросаю мадора, тинч ва маънурий йўллар билан ҳал қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ислом дини таълимотлари, энг аввало, инсоннинг маънавий камолотига, жамият тараққиётига, адолату инсофга, барча халқларнинг ўзаро тинч-тотув яшашига ва том маънодаги юксак инсоний фазилатларга чорловчи ўта ҳаётбахш ғоялардир. Ўзаро зиддиятлар, диний мутаассиблик ва зўравонлик ҳаракатлари ислом дини таълимотларига ҳам, жамиятимиз қонун-қоидаларига ҳам зиддир.

Ислом фундаментализми, ақидапарастлик, диний мутаассиблик ва зўравонлик, диний тусдаги сиёсий партиялар тузиш, диндорларнинг бошқарув ва давлат ишларига аралашуви каби республикамизда амалда бўлган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар» тўғрисидаги Қонунга хилоф ҳаракатларга жамиятимизда, мустақил Ўзбекистонимизда ўрин бўлмаслиги керак. Айни шу ҳаракатлар ва дин арбобларининг сиёсатга, давлат ишларига аралашуви сабабли қардош Тожикистонда содир бўлаётган фожиали воқеалар сабоқ бўлмоғи лозим. Буларнинг ҳаммаси раҳбариятимиз олиб бораётган сиёсатнинг нақадар тўғри экани исботидир. Президентимизнинг республика Олий Кенгаши сессиясида сўзлаган маърузасида «Дин ўз йўли билан, давлат ўз йўли билан» деб лўнда билдирган фикрлари давлат билан диндорлар мунасабатида фақат қонун устивор бўлишининг ёрқин ифодасидир. Қонунларга, қонунчиликка қатъий риоя қилинган, мустаҳкам тартиб-интизом бўлган жамиятдагина ҳақиқий демократик, ҳуқуқий давлат қуриш мумкин.

Муҳтарам Президентимизнинг мусулмон оламида катта нуфузга эга бўлган Ал-Азҳар университети фахрий доктори шарафли унвонига сазовор бўлишлари республикамизда мавжуд диний

(Давоми учинчи бетда).

Ислом Каримовга Фахрий доктор унвонини топшириш маросими.





Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Ал-Азҳар университети томонидан берилган Фахрий докторлик дипломи

Бисмиллоҳир раҳмонир роҳим,

Миср Араб Жумҳурияти,

Ал-Азҳар университети.

Ал-Азҳар университетининг кенгаши ўзининг 1413 ҳижрий йил 19 жумодул охира (1992 йил 14 декабрь) душанба кунги мажлисида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов жаноб олийларига Ал-Азҳар университетининг Фахрий доктори илмий даражасини беришга қарор қилди.

Университет ректори
АБДУЛФАТТОҲ ҲУСАЙНИ аш ШАЙХ.

●

Бисмиллоҳир раҳмонир роҳим!

Вилмаган нарсангни сенга ўргатди, бу Оллоҳнинг сенга буюк фазлу карамидир!

ҚУРЪОНИ КАРИМДАН.

1413 йил жумодул охира.
1992 йил, декабрь.

ОЛТИН ҲАРФЛАР БИЛАН ЁЗИЛГАН ЛАВҲА



Оллоҳдан бошқа маъбуд йўқ, Муҳаммад Оллоҳнинг расулидир!

Калиман шаҳодатдан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎҚУВЧИЛАРИ ВА ТАЛАБАЛАРИНИНГ ҲАР ЙИЛГИ ҚИШКИ ТАЪТИЛИ ТЎҒРИСИДА

1. Йилнинг охирги ойи сўнгги тўрт куни ва янги йилнинг биринчи ўн кунлиги даврида Ўзбекистон Республикаси ўқувчилари ва талабаларининг ҳар йилги икки ҳафталик қишки таътилини ўтказиш тўғрисида Халқ таълими вазирлиги билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таклифи қабул қилинсин.

2. Ўқув юртлари мавжуд бўлган вазирликлар ва идоралар:

Қишки таътилни уюшқоқлик билан ўтказиш учун зарур чораларни кўрсинлар;

Кундузги бўлимда ўқийдиган талабалар ва ўқувчиларнинг доимий истиқомат жойларига бориб келишларига кўмаклашсинлар;

Таътил даврида мактаблар ва олий ўқув юртлари муаллимларининг имкониятларидан самарали фойдаланишни таъминласинлар, бунинг учун ўқувчилар ва талабалар билан дарсдан ташқари иш олиб бориш шаклларидан фойдаланишни, шунингдек, муаллимлар малакасини ошириши, олий ўқув юртининг йўналишига мувофиқ турлича маслаҳат билан ёрдам беришни кўзда тутсинлар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятларнинг ва Тошкент шаҳрининг ҳокимликлари муаллимлар жамоалари билан биргаликда қишки таътил даврида ёшлар учун ўз ўлкасини, унинг бой тарихий меросини, маданий ва миллий анъаналарини ўрганишни кўзда тутадиган тадбирларни ташкил этсинлар.

4. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, автомобиль транспорти вазирлиги, Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси ўқув юртларининг буюртмаларига биноан қишки таътил даврида ўқувчиларга ва кундузги бўлимларда таълим олаётган талабаларга нархини 50 фоиз чегириб билет сотишни таъминласинлар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1992 йил 22 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва уни истеъмол моллари билан барқарор таъминлаш юзасидан амалга оширган чора-тадбирлар мажмуи натижасида республикада МДҲнинг бошқа минтақаларига нисбатан озиқ-овқат маҳсулотлари ва ашёвий молларнинг нархлари нисбатан паст бўлиши таъминланмоқда.

Республика ички истеъмол бозорини ҳимоя қилишни кучайтириш, савдо ташкилотларининг бир маромда ишлашини таъминлаш ҳамда аҳолининг озиқ-овқат ва ашёвий молларга бўлган эҳтиёжларини ўз вақтида қондириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси меҳнаткашларнинг истакларини ҳисобга олиб «1993 йилда Ўзбекистон Республикасининг истеъмол бозорини ҳимоя қилиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Қабул қилинган қарорда молларни купонли карточкалар билан сотишнинг мавжуд тизимини 1993 йилда сақлаб қолиш кўзда тутилади.

Молларни купонлар бўйича сотишнинг мавжуд тартиби самарадорлигини ошириш учун орттирилган тажриба ва мавжуд камчиликларни тугатиш зарурлиги ҳисобга олиниб, 1993 йил 1 январдан бошлаб янги нусҳадаги купонли карточкалар муомалага чиқарилади, уларнинг ёзиб қўйилган қиймати оширилиб, 150, 200, 500, 1000 ва 2000 купонга етказилади. Айни вақтда 1992 йил нусҳасидаги купонлар бекор қилинади.

Меҳнаткашларнинг бериладиган купон миқдорини кўпайтириш тўғрисидаги илтимос ва таклифлари эътиборга олинди.

Бунинг учун 1993 йил биринчи чорагига бериладиган купонларнинг миқдорини белгилашнинг янги жадвали жорий этилади, шу жадвалга мувофиқ бериладиган купонлар миқдори икки баравар кўпайтирилади.

Масалан, барча талабалар, илгари 500-530 купон олган бўлсалар, янги жадвалга мувофиқ 1000 ва ундан кўпроқ купон оладиган бўладилар. Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор бошқа табақалари учун ҳам купонлар бериш шу тарзда кўпайтирилади. Чунончи, 2000 сўм пенсия оладиган пенсионер илгари 550 купон олган бўлса, янги жадвалга мувофиқ 1000 купон олади, 3000 сўм пенсия оладиган пенсионер 580 купон олган бўлса, энди 1050 купон олади.

Қарорда қиймати 5000 сўмдан ортиқ бўлган моллар купонлар бўйича ҳам, чек дафтарчалари бўйича ҳам сотилиши кўзда тутилади.

Янги вақтинчалик низомга биноан бола боқиш таътилида бўлган аёлларга, уй бекаларига, кекса, ёлғиз фуқароларга ва вақтинча даромад манбаига эга бўлмаган бошқа бир қанча тоифадаги фуқароларга бериладиган купонларнинг миқдори 1000 сўмга етказилади.

Республика аҳолисини 1993 йил январида янги нусҳадаги купонлар билан ўз вақтида таъминлаш учун купонлар олдиндан — биринчи марта шу йил 31 декабргача берилиши, кейинчалик эса иш ҳақи, пенсия, стипендия ва бошқа тўловлар билан айни бир вақтда берилиши белгиланган.

Қабул қилинган қарорда ва вақтинчалик низомда молларни купонлар бўйича сотишнинг тасдиқланган тартибига риоя этилишини назорат қилишни кучайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўзда тутилган, бу ишларни маҳсус тузилган ҳукумат комиссияси мувофиқлаштириб туради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг қарори

1993 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Республика ички истеъмол бозорини ҳимоя қилишни кучайтириш, аҳолини энг зарур моллар билан барқарор таъминлаш, шунингдек молларни купонлар бўйича сотишни янада тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 1993 йилда бутун республикада молларни купонли карточкалар билан сотиш тартиби сақлаб қолинсин.

1993 йил 1 январдан бошлаб янги нусҳадаги купонли карточкалар муомалага киритилсин, айни вақтда 1992 йил нусҳасидаги купонли карточкалар ҳақиқий эмас, деб ҳисоблансин.

2. Купонли карточкалар ёзиб қўйилган қиймати 150, 200, 500, 1000 ва 2000 купон тарзида муомалага чиқарилади, деб белгилаб қўйилсин.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг қарори

(Давоми. Боши 1-бетда).

3. Қуйидагилар тасдиқлансин:

киритилган ўзгариш ва қўшимчаларни ҳисобга олиб, 1992 йилда купонли карточкалар бўйича мол сотиш, карточкаларни бериш, сақлаш, ҳисобга олиш, инкассация қилиш ва муомалага чиқариш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом (биринчи илова).

Аҳолига купонсиз сотиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва ашёвий моллар-нинг рўйхати (иккинчи илова).

4. Молларнинг миқдори ва аҳолининг даромадларини тартибга солиш мақсадида 1993 йилнинг биринчи чораги учун купонларни қайд этилган даромадлар бўйича бериш миқдорини аниқлашнинг табақалаштирилган янги жадвали белгиласин (учинчи илова).

5. Барча мулкчилик шаклларидаги вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар, корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликлар қайд этилган даромадларнинг кўпайишини ҳисобга олиб, янги жадвалга мувофиқ зарур миқдордаги купонлар учун шу йил 25 декабргача тегишли банк муассасаларига талабномалар тақдим этсинлар.

Ўзбекистон Республикаси марказий банки топширилган талабномаларга мувофиқ зарур миқдордаги купонлар берилишини таъминласин.

Республиканинг барча корхона, ташкилот, муассасалари, хўжаликлари ишловчи фуқароларга, нафақахўрларга, талабаларга ва аҳолининг бошқа тоифаларига 1993 йилнинг январ ойи учун шу йил 31 декабргача олдиндан купонлар берилишини таъминласин.

6. Белгилаб қўйилсинки, қиймати беш минг сўмдан ортиқ бўлган моллар республика аҳолисига купонлар бўйича ҳам, ҳисоб-китоб чеклари, чек дафтарчалари бўйича, ёки омонатчиларнинг топшириқларига мувофиқ пул ўтказиш йўли билан ҳам сотилади.

7. 2 ёшгача бўлган болаларни болалар овқати маҳсулотлари билан кафолотли таъминлаш мақсадида бепул бериладиган болалар таоми рецептларини махсус бланкларда, қолган болалар учун оддий рецепт бланкларида купонсиз бериш тартиби сақлаб қолинсин.

8. Молларни купонлар бўйича сотиш устидан назоратни янада тартибга солиш мақсадида истиқболни белгилаш ва статистика давлат комитети 1993 йил 1 январдан бошлаб бутун Ўзбекистон Республикасида такомиллаштирилган 1-савдо формаси асосида унга купонлар бўйича оборот; молларни нормага мувофиқ бериш оборoти; тижорат савдоси оборoти графалари қўшилишини ҳисобга олиб, ойлик ҳисоб статистикасини жорий этсин.

«Ўзбексавдо» давлат уюшмаси билан Ўзбекбирлашув 1992 йил 25 декабргача истиқболни белгилаш ва статистика давлат комитети, Ўзбекистон Республикаси марказий банки билан келишиб, купонлар бўйича сотиладиган моллар-ни ҳисобга олиш жорий этилиши муносабати билан товар оборoти тўғрисидаги ҳисобот йўриқномасини қайтадан тақсимлаб, уни амалий дастур ва ижро учун, қайси идорага қарашли эканидан қатъи назар, корхона ва ташкилотларга юборсинлар.

9. Ушбу қарорнинг амалга оширилишини таъминлайдиган республика комиссиясининг таркиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Ўз ҳудудларида истеъмол бозорини ҳимоя қилиш чора ва тадбирлари комплекси таъминланиши, шунингдек молларни купонлар бўйича сотишнинг тасдиқланган тартибига сўзсиз риоя этилиши учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгашининг раиси, вилоятларнинг ва Тошкент шаҳрининг ҳокимлари зиммасига шахсан масъулият юклатилсин.

11. Марказий банк, «Ўзбексавдо» уюшмаси, Ўзбекбирлашув, савдо корхоналари бўлган вазирликлар ва идоралар, концернлар савдо корхоналарининг купонларни инкассация қилиш, сўм тарзида тушган пул билан купонларнинг мувофиқлиги юзасидан белгиланган тартибга риоя этишларини доимо назорат қилиб турсинлар. Марказий банк Вазирлар Маҳкамасига шу масала юзасидан ҳар ойда ахборот тақдим этсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 январдаги 1-сон, 1992 йил 30 мартдаги 153-сон, 1992 йил 6 июлдаги 312-сон, 1992 йил 23 сентябрдаги 444-сон қарорларининг амал қилиши 1993 йил 1 январдан бошлаб бекор қилинсин.

13. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Б. С. Ҳамидов ва А. Н. Возненко ўртоқлар зиммасига юклатилсин.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ РАИСИ
И. КАРИМОВ.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА

1-ИЛОВА

МОЛЛАРНИ КУПОНЛИ КАРТОЧКАЛАР БЎЙИЧА СОТИШ, КУПОНЛАРНИ БЕРИШ, САҚЛАШ, ҲИСОБГА ОЛИШ, ИНКАССАЦИЯ ҚИЛИШ ВА МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикасида ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш мақсадида купонли карточкалар* 1993 йилда амал қилади.

2. Купонли карточкалар мол сотиб олиш ҳуқуқини берадиган бир марта фойдаланиладиган ҳужжатдир.

II. ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИДА МОЛЛАРНИ КУПОНЛИ КАРТОЧКАЛАР БЎЙИЧА СОТИШ ТАРТИБИ

3. Давлат савдоси, матлубот кооперацияси тизимида, хусусий дўконларда, шунингдек, мол ишлаб чиқарувчи, мол алмашув операциялари натижасида ва валютага сотиб олувчи ҳамда уларни ўз ходимларига сотувчи корхона ва ташкилотларда озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда ашёвий моллар, мазкур низомнинг 4 ва 5-бандларида кўзда тутилганларидан ташқари, купонлар бўйича сотилади.

Молларнинг қийматини мавжуд пул белгилари билан тўлаш чоғида карточкадан купонларнинг эквивалент қисми қирқиб олинади.

4. Қуйидагилар купонларсиз сотилади:

2-иловага мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотлари ва ашёвий моллар;

умумий овқатланиш корхоналарининг маҳсулотлари;

ҳарбий қисмлар (муддатли хизмат ҳарбий хизматчиларига), колониялар ва аҳолиқ тузатиш-меҳнат муассасалари ичида жойлашган дўконлардаги моллар;

ҳусусий дўконларнинг ўз маблағига республика ташқарисидан сотиб олинган моллар;

иккиламчи хомашё топширган аҳолига сотиладиган халқ истеъмол моллари;

фойдаланилган материаллар ва эҳтиёт қисмлар қиймати ҳам қўшилган ҳар қандай хизмат турлари.

5. Моллар учун тўлаш пайтида купонлар (беш сўм ва ундан ози ҳисобга олинмайди, беш сўмдан ортиғи 10 сўм қилиб) яхлитлаштирилади.

қиймати беш минг сўмдан ортиқ бўлган моллар аҳолига купонлар бўйича ҳам, шунингдек, чек дафтарчалари бўйича ёки омонатчиларнинг топшириғига биноан банк муассасаларидаги ҳисоб варақаларидан ўтказиш йўли билан ҳам тўланади.

6. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, кооперативларнинг чакана савдо шоҳобчалари орқали нақд пулга купонсиз мол сотишлари тақиқланади. Карточкасиз купонлар ёки тегишли тартибда расмийлаштирилмаган купонлар ҳақиқий эмас.

7. Савдо корхоналари, муассасалар ва ташкилотларда купонлар кесиб олиш ва қадаб қўйиш орқали тўланади, улар ёзиб қўйилган қийматига қараб гуруҳларга ажратилади ва иш куни давомида корхонадаги моддий жавобгар шахсда (сотувчи, хазиначи, назоратчи-хазиначи), мол сотилиши учун масъул бўлган шахсда сақланади. Карточкалар харидорга қайтариб берилиши лозим.

8. Магазинларнинг сотувчилари, шунингдек, корхона ва ташкилотларда алмашув операциялари натижасида ҳамда валютага олинган молларни сотиш учун масъул бўлган шахслар савдодан олинган тушумни сўм ва купон тарзида икки томонлама ҳисоблаб чиқадилар. Купонлар қатъий ҳисоб-китоб ҳужжати бўлиб ҳисобланади.

9. Молларни купонлар бўйича сотиш тартибига риоя этилишини назорат қилиш мақсадида савдо ташкилотлари ва омборлар юқори идораларга ҳамда бошқармаларга белгиланган статистика ҳисоботи бўйича маълумотлар тақдим этадилар.

Савдо ташкилотларининг раҳбарлари мол-пул ҳисоботларини тақдим этиш юзасидан белгиланган муддатга қараб (беш кундан ёки етти кундан кейин) ҳар бир дўкон сўм ва купон тарзидаги пул тушумини икки ёқлама ҳисобга олиш юзасидан белгиланган тартибга қандай риоя этаётганини, албатта, текшириб борадилар. Бу тартибга ҳамда купонларни пул тушуми билан айни бир вақтда топшириш юзасидан белгиланган йўриқномага риоя этилишини таъминламаган, шунингдек, купонларнинг инкассация қилиниши юзасидан белгиланган тартибни (купонларни кесиб олиш, қадаб қўйиш, таҳлаш ва ҳоказо тарзда қайтариб олиш қоидасини) бажармаган савдо корхоналари (дўконлар)нинг раҳбарлари эгаллаб турган лавозимидан бўшатилиши лозим.

Ўз қарамоғидаги корхоналар (дўконлар) томонидан Вақтинчалик низом бажаралишини таъминламаган савдо ташкилотларининг раҳбарлари шахсан жавобгар бўладилар.

10. Банк муассасаларида тушган купонларни ҳисобга олиш, уларнинг ҳаракати ва топширилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси марказий банки, «Ўзбексавдо» давлат уюшмаси, Ўзбекбирлашув, Ўзбекистон жамғарма банки, Алоқа вазирлиги, «Ўзкооптайёрловсавдо», «Ўздавлатнефтмаҳсулот» бирлашмасининг йўриқномаларига ва тартибига мувофиқ амалга оширилади.

III. КУПОНЛАРНИ ФУҚАРОЛАРГА БЕРИШ ТАРТИБИ

11. Купонлар: асосий иш, ўқиш, хизмат жойидан, нафақалар, ўтказилган пуллар олинадиган алоқа бўлимлари ва тегишли банклардан;

шахсий ёрдамчи хўжалигида банд бўлган ва ўз маҳсулотини топширувчи шахсларга — умумий асосларда тегишли ташкилотлар томонидан;

ҳарбий хизматчи бўлган пенсионерларга ва уларга тенглаштирилган шахсларга — банк муассасаларидан;

корхона ва ташкилотлардан стипендия олувчи талабаларга — фақат ўқиш жойидан берилади.

Иш ҳақи тўлашга банк муассасаларидан нақд пул олмайдиган ва иш ҳақини тушган даромаддан тўлайдиган ташкилотлар купонларни умумий асосларда банкдан оладилар.

Республикада жойлашган, аммо иш ҳақини пул ўтказиш йўли билан бошқа жойлардан оладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга купонлар банк муассасалари томонидан белгиланган тартибда иш ҳақи рўйхатлари тақдим этилганда берилади.

Ўриндошлик юзасидан ишловчи шахсларга купонлар асосий иш жойидан умумий даромадга қараб, меҳнат шартномалари бўйича иш ҳақи олувчиларга эса умумий асосларда берилади.

Вақтинча иш билан банд бўлмаган ва ишсизлик юзасидан нафақа олиб турган аҳолига купонлар нафақа олаётган жойидан жадвалда белгиланган миқдорда берилади.

12. Ходимларга таътил маблағлари ёзилаётганда бериладиган купонларнинг миқдори ҳар бир таътил ойига алоҳида ҳисоблаш асосида белгиланади.

Банклар ва корхоналар берган қарзлар, шунингдек суғурта идоралари томонидан тўланадиган пуллар купон билан таъминланмайди.

IV. БЕРИЛАДИГАН КУПОНЛАР МИҚДОРИ

13. Бериладиган купонлар миқдори 3-иловага мувофиқ табақалаштирилган жадвал бўйича иш ҳақи, пенсия, нафақа, стипендия ва бошқа берилиши лозим бўлган қайд қилинган даромадларнинг (солиқларни, алиментларни ва бошқа ушлаб қолишларни чиқариб ташлаб) миқдорига қараб белгиланади, йириклаштириш қоидаларига мувофиқ тегишли миқдоргача йириклаштирилади (50 сўмгача ҳисобга олинмайди, 50 сўм ва ундан кўпи 100 сўм ҳисобланади).

Доимий иш жойига эга бўлмаган ва якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириб, ўз маҳсулотини колхоз бозорида сотувчи ёки кооперативларга топширувчи ёҳуд муаллифлик гонорарлари олувчи шахсларга, шунингдек республика ташқарисида ишловчи кишиларга купонлар олиш учун рухсатнома кўрсатилгач, яшаш жойидаги банк муассасаларида жадвал билан белгиланган миқдорда берилади. Купонлар олишга рухсатнома солиқ инспекциялари томонидан берилган даромадлар тўғрисидаги маълумотномалар асосидаги яшаш жойидаги маҳаллий бошқарув идоралари (ҳокимликлар) томонидан берилади.

Муаллифлик гонорарлари олувчи фуқаролар давлат солиқ инспекцияларига даромадларни олган жойдан берилган ўтган йилдаги даромадлар тўғрисидаги маълумотномаларни тақдим этадилар.

Қуролли Кучлар сафларидаги хизматдан бўшатилган ва вақтинча ишламаётган (уч ойгача) ҳарбий хизматчилар, ўз хоҳиши билан ёки қисқариш сабабли ишдан бўшаган ва вақтинча ишламаётган (бир ойгача) фуқаролар, ёлғиз яшовчи кексайиб қолган фуқаролар ҳамда пенсия ва ижтимоий ёрдам олмайдиган фуқаролар, шунингдек қамоқ жойларидан озод қилинган ва вақтинча ишламаётган (бир ойгача) фуқаролар яшаш жойидаги маҳаллий бошқарув идоралари (ҳокимликлар) ҳарбий билет, паспорт, меҳнат дафтарчаси, озод қилинганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида берган купонларни олишга рухсатнома кўрсатиб, банк муассасаларидан энг кам миқдорда купон оладилар.

Боласини боқаётганлиги учун таътилда бўлган аёллар иш жойидан нафақа ва бошқа даромадлар ҳисобидан, компенсация ҳам шу жумлага киради, белгиланган миқдорда купон оладилар. Бола уч ёшга тўлгунга қадар унга қараш учун ўз таътилини давом эттираётган, лекин бу нафақа ва компенсацияларни олиш муддати тугаганлиги учун уларни олмаётган аёлларни купонлар уларнинг иш жойидан жадвалда белгилаб қўйилган энг кам миқдорда берилади.

Мавсумий ишлар билан банд бўлган фуқаролар мавсумлар орасида маҳаллий бошқарув идоралари (ҳокимликлар) берган рухсатнома асосида банк муассасаларидан белгилаб қўйилган энг кам миқдорда купон оладилар.

Даромад манбаига эга бўлмаган ва оила қарамоғидаги уй бекаларига купонлар маҳаллий бошқарув идоралари (ҳокимликлар) берадиган маълумотномалар тақдим этилгач, банк муассасаларидан ойига белгилаб қўйилган энг кам миқдорда берилади.

Болаларга аталган молларнинг қимматлашганлиги сабабли нафақа олувчи болалар учун купонлар компенсация пулининг 100 фоизи миқдорида, бошқа нафақалар учун эса белгиланган тартибда берилади.

Моддий ёки жисмоний зарар кўрган фуқароларга купонлар моддий ёрдам пули суммаси ҳисобидан тўла миқдорда берилади.

Йил чораги, йил учун мукофотлар, мукофот пуллари ва моддий ёрдам пули учун купонлар ҳисоблаб чиқарилган ўртача ойлик ҳисобидан белгиланган миқдорда берилади.

Республика ҳудудида ишловчи ва сўмларда иш ҳақи олувчи чет эл фуқароларига купонлар умумий асосларда берилади.

Иш ҳақини сўм билан олмайдиган, бироқ республикада яшаётган ёки хизмат сафарида бўлган чет эл фуқаролари банк муассасаларида эркин алмаштириладиган валютанинг бозор қадри бўйича сўмга алмаштириш ва алмаштирилган пулнинг 15 фоизи миқдорида купон олиш (бунда ушлаб қолинган комиссион ҳақ ҳисобга олинади) ҳуқуқига эгадирлар.

Республика ўқув юртларида таълим олаётган чет эл фуқароларига купонлар белгиланган миқдорда берилади. Улар эркин алмаштириладиган валютани сўмга алмаштиргандa алмаштиришнинг 15 фоизи миқдорида купон олиш (бунда ушлаб қолинган комиссион ҳақ ҳисобга олинади) ҳуқуқига эгадирлар.

Республика ташқарисида вақтинча ҳарбий хизматни ўтаётган фуқаролар ҳамда уларнинг республикада доимий яшаётган оила аъзолари хизматни ўтаётган жойдан иш ҳақи тўғрисида берилган маълумотнома асосида ҳарбий комиссарликлар берадиган рухсатнома бўйича банк муассасаларидан жадвалда белгиланган миқдорда купон оладилар.

Чет элда ишлагандан кейин ёки навбатдаги меҳнат таътилига келган республика фуқаролари купонларни чет элга хизмат сафарига боргунга қадар ишлаган корхоналардан, ҳарбий хизматчилар эса ҳарбий комиссарликлардан умумий асосларда оладилар.

Республика ҳудудида доимий яшовчи ва республика ташқарисида вахта усулида ишловчи шахслар даромадлари тўғрисидаги маълумотларни кўрсатгач, маҳаллий бошқарув идоралари (ҳокимликлар) купон олиш учун берган рухсатномаларни кўрсатиб, банк муассасаларидан купон оладилар.

1-гуруҳ ногиронларига, шунингдек интернат-уйларда яшовчи ҳамда тўла давлат таъминотида бўлган пенсионерлар ва ногиронларга купонлар ўзлари оладиган нақд пул миқдорида берилади.

Муаллифлик кашфиётлари, ихтиролари, рационализаторлик таклифлари ва ҳоказо ҳисобига ҳақ ва мукофотлар олувчи фуқаролар купонларни асосий иш жойидан умумий асосларда ҳамма даромадлар юзасидан оладилар.

Етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган талабалар ва ўқувчиларнинг, тўла давлат таъминотида бўлган талабалар ва ўқувчиларнинг стипендиялари тўла миқдорда купонлар билан таъминланади.

Муваққат ижодий жамоаларнинг аъзоларига, шунингдек пудрат шартномаси бўйича иш бажарувчи шахсларга купонлар асосий иш жойида ҳамма даромадлари юзасидан жадвалда белгиланган миқдорда берилади.

ВТЭК (меҳнат қобилияти йўқолиши даражасини аниқлайдиган тиббиёт комиссияси)дан қайта текширувдан ўтадиган ва пул даромадлари олмайдиган фуқароларга банк муассасаларида маҳаллий бошқарув идоралари (ҳокимликлар) томонидан берилган рухсатнома кўрсатилгандан кейин кўрикдан ўтишнинг бутун даври учун ҳар ойда белгилаб қўйилган энг кам миқдорда купон берилади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ўз ҳисобидан таътил олган ходимлари иш жойидан таътилга чиқишдан олдинги охирги ойда олинган қайд этилган даромадлардан жадвалда белгиланган миқдорда купон оладилар.

Донорлар донорлиги учун даволаш муассасаларидан олинган пулнинг тўла миқдорида купонлар билан таъминланадилар.

Бошқа республикаларнинг узоқ муддатга (бир ойдан кўп) хизмат сафарига келган фуқаролари купонларни хизмат сафарига келган ташкилотлар ва корхоналардан белгилаб қўйилган энг кам миқдорда оладилар.

Нақд пулсиз тартибда келадиган алиментлар жадвалда белгиланган миқдорда купонлар билан таъминланади.

14. Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг кассаларида купонли карточка беришда купонлар йириклаштириш қоидаси бўйича (50 сўмгача ҳисобга олинмайди, 50 сўм ва ундан кўп бўлганда 100 сўм ҳисобланади) сўмларда тегишли суммагача йириклаштирилади.

Карточкалар аниқ бир шахснинг номига ёзиб берилади ва раҳбар, бош ҳисобчининг имзоси ҳамда корхона, ташкилот ва муассаса муҳри билан тасдиқланади.

Купонлар ишлатиб бўлинганидан сўнг карточкалар қаердан олинган бўлса, ўша жойдаги кассаларга қайтарилиши ва улар ўз навбатида бу карточкаларни йўқ қилиб ташлаш учун банк муассасаларига топширишлари шарт.

Йўқотиб қўйилган ва бузилган купонлар тикланмайди.

V. КУПОНЛАРНИ ОЛИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

15. Купонлар Марказий банкнинг республика ҳудудида жойлашган барча бошқармалари ва бўлимларида берилади.

16. Корхона, муассаса, ташкилот раҳбарининг буйруғи билан купонларни олиш, сақлаш ва бериш бўйича масъул шахс тайинланади. Унга шартнома бўйича жавобгарлик юклатилади.

Купонларни олиш ва бериш корхона, муассаса ва ташкилотлар томонидан алоҳида ҳисобга олиш дафтарида қайд этилади. У номерланган, ип ўтказиб тикилган, муҳр билан тасдиқланган бўлиши керак. Ҳисобга олиш дафтаридаги варақлар сони корхона (муассаса, ташкилот) раҳбари ва бош ҳисобчининг имзоси билан тасдиқланади. Дафтардаги ёзувлар кирим-чиқим ордерлари ва тўлов ведомостлари асосида амалга оширилади.

17. Олувчига берилган купонларнинг миқдори иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва бошқаларни бериш чоғида тўлов ведомостида қўшимча равишда киритилган устун (қатор)да ёки бошқа тўлов ҳужжатида акс эттирилади.

Купонларни корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг (мулкчилик шаклидан қатъи назар) вакиллари олдиндан берилган талабномаларга мувофиқ нақд пул олинадиган банк муассасасидан топшириқ бўйича оладилар.

Пенсиялар, нафақалар берувчи алоқа корхоналари купонларни банк муассасаларидан ижтимоий таъминот идоралари томонидан тузилган тўлов ведомостларига мувофиқ оладилар. Тўлов ведомостида берилиши лозим бўлган купонлар миқдори алоҳида устунда кўрсатилади. Пул ўтказиш операциялари бўйича купонлар бериш учун алоқа муассасалари томонидан заҳира ташкил этилади.

Купонларнинг ҳосил бўлган камомади йўқотилган қийматига мувофиқ (яъни, 1 купон учун 1 сўм — пул билан 1 сўм) ҳисоблаб чиқилади.

Купонларнинг берилган миқдорини назорат қилиш учун банк муассасалари томонидан ордер расмийлаштирилади. Унинг нусхаси корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга берилади.

Ҳар гал навбатдаги купонларни олиш учун корхона (муассаса, ташкилот) олдинги даврда фойдаланилган купонлар тўғрисидаги маълумотнома билан биргаликда талабнома беради.

18. Олинган купонлар корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда қимматбаҳо қоғозларни сақлаш тўғрисидаги йўриқномага ҳамда халқ хўжалигида касса операцияларини юритиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ сақланади.

Купонлар номинал қиймати бўйича кирим-чиқим накладнойларга асосида кирим дафтарида қайд қилинади ва балансдан ташқари 004 «қатъий ҳисобдаги бланклар» счётида ҳисобга олинади.

Давлат солиқ идоралари кооперативлар, кичик корхоналар ва хўжалик ҳисобидаги бошқа тузилмаларни молиявий тафтиш қилиш чоғида олинган купонлар миқдорининг иш ҳақи бериладиган тўлов ведомостларига мувофиқ келишини мажбурий тартибда текширадилар.

Корхоналар (ташкилотлар, муассасалар)нинг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилувчи ва текширувчи идоралар ушбу тартибнинг бажарилишини назорат қилишга мажбурдирлар.

Купонларни бериш тугаллангач, бироқ улар банкдан олингандан кейин кўпи билан беш кун ичида купонларни сақлаш ва бериш учун жавобгар шахс купонларнинг олиниши ва берилиши тўғрисидаги маълумотларни текширади.

19. Купонли карточкалар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг буюртмаси билан босиб чиқарилади. Купонларни босиш, ҳисобга олиш, ташиш ва банкда сақлаш ички ишлар вазирлиги идоралари, республика инкассация бошқармаси ҳамда уларни босиб чиқарувчи корхоналарнинг махсус назоратида бўлади.

Карточкаларни ҳисобга олиш ва ҳисобдан чиқариш тартиби республика банкларида бухгалтерия учёти ҳисоб-китоблари режасини қўллаш тўғрисидаги кўрсатмаларга мувофиқ белгиланади.

Банк муассасасининг раҳбари, бош бухгалтери ва касса мудири купонли карточкаларни қабул қилиб олиш, сақлаш ва уларни бериш қоидаларига қаттиқ риоя этилишини таъминлайдилар. Купонларнинг сақланиши учун моддий жавобгарлик касса мудири зиммасига юклатилади.

20. Банк муассасалари купонларнинг тўла инкассация қилинишини, сақланишини, кейинчалик эса уларнинг белгиланган тартибда иккиламчи хомашё корхоналарига топширилишини таъминлайдилар.

21. Банк муассасалари молларни купонлар бўйича сотиш борасида белгиланган тартибнинг савдо ташкилотлари томонидан бажарилишини доимо назорат қилиб турадилар. Купонларни қайта ҳисоблаш чоғида аниқланган камомадлар ҳақида банклар айбдор ходимларни маъмурий-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун савдо ташкилотлари раҳбарларига хабар қиладилар.

Марказий банк ўзига бўйсунувчи банк муассасаларида бу масала бўйича ишнинг қандай йўлга қўйилганлигини мунтазам текшириб боради.

Молларни купонлар бўйича сотишни назорат қилиш ишининг қониқарсизлиги учун банкларнинг раҳбарлари ва бошқа ходимлари мукофотдан маҳрум этилиб, маъмурий жазога тортиладилар.

22. Почта ташкилотларининг пул ўтказиш операциялари бўйича купонларни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги томонидан белгиланади.

XI. КУПОНЛАРНИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ВА ИНКАССАЦИЯ ҚИЛИШ

23. Купонларни муомалага чиқариш ва уларни инкассация қилиш марказий банк муассасалари томонидан амалга оширилади.

24. Сохта купонлар ясаганлик учун давлатнинг хазина билетларини сохта йўл билан ясашга тенг даражада қонунга мувофиқ жазо берилади.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА

2-ИЛОВА

АҲОЛИГА КУПОНЛАРСИЗ СОТИЛАДИГАН ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА АШЁВИЙ МОЛЛАР

1. Аҳолига белгиланган нормалар бўйича (талон билан) чекланган нархларда сотиладиган товарлар:

ун
гуруч
макарон маҳсулотлари
ўсимлик мойи
чой
қанд-шакар
гўшт ва гўшт маҳсулотлари
кир совун
оқ ип газлама матолар (чит, ҳомсурп ва оҳорланган дока).

Болалар ассортименти (янги туғилган чақалоқлар учун комплектлар, ўғил болалар кўйлаги ва шими, қиз болалар кўйлаги ва юпкаси, 12 ёшгача бўлган болалар пойабзали, болалар пайпоқлари ва колготкалари).

2. Аҳолига купонларсиз эркин сотиладиган озиқ-овқат ва ашёвий моллар:

болалар озиқ-овқат маҳсулотлари (врач рецептлари бўйича)
тирик балиқ,
сут, қатиқ
тухум
шишаларда ва қуйиб сотиладиган арақ, ликёр-арақ маҳсулотлари, вино, шампан виноси ва бошқа алкаголсиз газли ичимликлар, пиво,
тортлар, музқаймоқ;
морс, квас, шарбатлар;
янги узилган мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, шунингдек қайта ишланган сабзавот маҳсулотлари (тузланган карам, помидор, бодринг;
консерва қилинган шарбатлар;
кўмир, ўтин;
омухта ем, кунжара, чигит пўстлоғи, барда ва пиво қуйқаси;
гуллар, полиэтилен пакетлар, грампластинкалар;
воситачи дўконлар орқали сотиладиган илгари фойдаланилган моллар; келинкуёвлар учун дўконлар ва бўлимлардаги моллар, шунингдек маросимлар учун кўзда тутилган моллар (маҳаллий бошқарув идоралари маълумотномалари бўйича);
матбаа маҳсулотлари;
дорихоналарда, «Оптика» дўконларида сотиладиган дори-дармонлар ва бошқа моллар, протез-ортопедия корхоналари маҳсулотлари, шунингдек ногиронлар аравачалари;
топширилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига алмаштириб сотиладиган моллар;
кооперативлар ҳамда фуқаролар томонидан якка меҳнат фаолияти тартибида ишлаб чиқариладиган ва улар мустақил равишда сотадиган моллар;
шахсий томорқа хўжалигида етиштириладиган ва колхоз бозорида сотиладиган моллар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари;
тижорат нархларида сотиладиган нефть маҳсулотлари;
арзонлаштирилган, кондициясиз буюмлар ва ишлатишга яроқли чиқиндилар;
томоша кўрсатиш муассасалари учун овоз кучайтиргич аппаратлар;
спорт анжомлари (тошлар, бруслар, конлар, гантеллар, штанга);
норуда қурилиш материаллари (шағал, қум, майдаланган тош, керамзит, мармар ва гранит плиталар); мармар ушоғи ва ундан тайёрланган буюмлар, томга ёпиладиган, юмшоқ материал;
шлак-блоклар, оҳак, гипс, цемент, ҳарсангтош;
асбоцемент, чўян полиэтилен ва сопол қувурлар;
темир-бетон буюмлар; аглопорит; минерал момиқ пахта ва ундан тайёрланган буюмлар;
Гишт ва ёғоч-тахта (маҳаллий бошқарув идораларининг қарори бўйича).

«Совпластитал» қўшма корхонаси ишлаб чиқарадиган ва чакана тармоқда сотиладиган маҳсулотлар, шунингдек республика Бинокорлик материаллари вазирлиги корхоналарида ишлаб чиқариладиган барча турдаги қурилиш материаллари ва халқ истеъмоли моллари.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА

3-ИЛОВА

1993 ЙИЛДА ҚАЙД ЭТИЛГАН ДАРОМАДЛАР ЮЗАСИДАН БЕРИЛАДИГАН КУПОНЛАР МИҚДОРИНИ БЕЛГИЛАШ ЖАДВАЛИ

Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва бошқа қайд этилган даромадларнинг миқдори (солиқларсиз ва бошқа ушлаб қолишларсиз)	Бериладиган купон миқдори
2000 сўмгача	1000 купон
2001—4000	1000 купон ва 2000 сўмдан ошган даромаднинг 5 фоизи
4001 ва ортиқ	1100 купон ва 4000 сўмдан ошган даромаднинг 3 фоизи

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА

4-ИЛОВА

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1993 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЮЗАСИДАН ҚАБУЛ ҚИЛГАН ҚАРОРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИ

Б. С. Ҳамидов — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — умумиқтисодиёт мажмуининг раҳбари

А. Н. Возненко — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — халқ истеъмоли моллари, савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуининг раҳбари

Т. С. Азимов — Ўзбекистон саноат-қурилиш банки бошқарувининг раиси

Б. А. Алламуродов — Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси

З. А. Алматов — Ички ишлар вазири

А. А. Аҳадов — Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банки бошқарувининг раиси

Г. Г. Волков — Ўзбекбирлашув раиси

Ф. М. Муллажонов — Марказий банк бошқарувининг раиси

Р. А. Норбоев — Меҳнат вазирининг ўринбосари

К. Р. Раҳимов — Алоқа вазири

Н. Ф. Муҳитдинов — Ўзбекистон жамғармалар банки бошқарувининг раиси

С. А. Ҳўжаева — Ижтимоий таъминот вазири

М. З. Усмонов — «Ўзбексавдо» уюшмаси бошқарувининг раиси

---

* бундан кейин «купонлар» деб аталади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ—Ал-Азҳар университетининг фахрий доктори

(Давоми. Боши биринчи бетда).

эркинликлар, динимиз равнақи йўлида амалга оширилган кўпдан-кўп хайрли ишлар, хорижий мамлакатлардаги диндош биродарларимиз билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш борасидаги амалий фаолиятларига берилган муносиб баҳодир. Бу хушхабар жумҳуриятимиздаги барча мўминмусулмонларни беҳад қувонтирди. Бундай юксак унвонга камдан-кам давлат раҳбари муяссар бўлган. Мустақил республикамизни жаҳоннинг кўп мамлакатлари тан олаётир. Жонажон Ўзбекистонимизнинг равнақи, унинг обрў-эътибори ҳар биримизнинг сайъи ҳаракатимизга, астойдил меҳнатимизга боғлиқ.

Ҳуқуқий мустақилликка эришиш мураккаб жараён бўлиб, бу қутлуғ мақсадга етишда кўп муаммолар вужудга келишини жаҳон тажрибаси кўрсатиб турибди. Шу муаммоларни оқилона ечиш учун ҳалол, пок, ватанпарвар, меҳр-оқибатли, имон-эътиқодли, юксак инсоний фазилатларга эга комил инсонларни тарбиялаш мураккаб замонамиз учун сув ва ҳаводек зарур, жамиятимиз уларга жуда муҳтождир. Хоҳ диний, хоҳ дунёвий бўлсин инсоннинг иймони комил, эътиқоди бутун, собитқадам бўлмаса, ҳақиқий ватанпарварлик туйғусини ўзида мужассам этмаса, унинг ўз олдига қўйган олий мақсадларига эришиши амри маҳолдир. Шу ўринда жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг «Ҳуббул Ватан минал иймон» («Ватанни севмак иймондандур») деган бир олам мазмун моҳиятга эга муборак ҳадисларининг нақадар ҳаётий ва муҳимлигини яна бир эслашимиз ғоят ўринлидир.

Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, жонажон Ўзбекистонимизни тез орада дунёда тараққий этган давлатлар қаторига олиб чиқиш учун жумҳуриятимизда барча шарт-шароитлар мавжуд. Раҳбариятимиз олиб бораётган тўғри ва адолатли сиёсат ушбу эзгу мақсадларга эришишимиз учун мустаҳкам пойдевордир. Мустақил Ўзбекистонимизда янги-янги муносабатлар қарор топиб, муҳим ҳаётий, иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган шундай тарихий бир пайтда барчамизнинг олдимизда турган асосий вазифалардан бири раҳбариятимиз олиб бораётган сиёсатни ҳаётга татбиқ қилишда чин ватанпарварлик ва фидойилик кўрсатиш давлат маҳкамаларининг ҳам, диний ташкилотларнинг ҳам асосий бурчидир. Муқаддас китобимиз Қуръони каримнинг Ан-Нисо сурасида «Аллоҳга, унинг пайғамбарига ва ундан кейин ўз ичингиздан чиққан раҳбарларга итоат қилинглар» деб келтирилган буюк ҳикматга амал қилмоқлик, энг аввало, жумҳуриятимиз, халқимиз манфаатларига хизмат қилади.

Ал-Азҳар университетининг фахрий доктори шарафли унвони билан муҳтарам Президентимизни яна бир бор муборакбод этиб, мустақил Ўзбекистонимиз равнақи йўлида олиб бораётган улуғвор ишларида Яратганнинг ўзи мададкор бўлишини тилаймиз.

Убайдулла УВАТОВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги диний ишлар комитети раисининг биринчи ўринбосари.



● БЕКОБОД туманидаги «Деҳқонобод» жамоа хўжалигида «Ўзбекобод» пахта тайёрлаш пункти фаолият кўрсатмоқда.. Деҳқонлар бу йилги ҳосилдан баракали хирмон уйдилар. Айни кунларда бу ҳосил қайта ишлаш учун заводга юбориб турилибди.

Суратқаш А. МАЛЬЦЕВ.

ЭКОСАН ТОШКЕНТДА ИШ ОЛИБ БОРМОҚДА

Ўзбекистон пойтахтида экология вазиятини яхшилаш масалалари Тошкентда бўлиб ўтган кенгашнинг мавзуси эди. Кенгашни республика Экология ва саломатлик жамғармаси (экосан) ўтказди. Унда иштирок этиш учун бир қанча вазирликлар ва идораларнинг, йирик саноат корхоналарининг раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимиятларининг вакиллари таклиф этилди.

Экосан жамғармасининг президенти Ю. Шодиметовнинг кенгашга тўпланганларга маълум қилишича, сўнгги вақтда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари кучайтирилганига қарамай, вазият жуда ноқулайлигича қолмоқда. Ўзбекистонинг Тошкент каби йирик саноат марказларида ҳаво, сув ва тупроқнинг булғаниши хавфли даражага яқинлашмоқда. Бу эса одамларнинг саломатлигига таъсир қилмоқда, турли касалликлар кўпаймоқда. Болалар касалликларининг кўпайиши, болалар орасида ўлимнинг кўпайиши алоҳида ташвиш туғдирмоқда. Республика мутахассислари ўтказган тиббий гигиена тадқиқотларининг натижалари шундан далолат бериб турибди.

Экология вазиятини яхшилаш масалалари фақат жамоатчиликнигина эмас, давлат идораларини ҳам ташвишга солаётгани кенгашда таъкидлаб ўтилди. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси тайёрланди. Лойиҳа Ўзбекистон Олий Кенгашининг сессияси муҳокамасига тақдим этилди. Шу масала юзасидан ҳукуматнинг бир қанча қарорлари қабул қилинди.

Экология муаммоларини ҳал этишда давлат ва жамоат ташкилотларининг куч-ғайратларини бирлаштириш учун Республика Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан экология ва саломатлик жамғармаси барпо этилди. Жамғарма атроф муҳитнинг ҳолатини яхшилашга доир аниқ дастурларни ишлаб чиқиш билан шуғулланмоқда. Шу дастурларнинг айримлари — «Соф ҳаво» ва «Тоза сув» дастурларини халқаро экология экспертлари маъқулладилар.

Тошкентда жамғарманинг бўлими очилди, шаҳар миқёсида экосан лойиҳаларини амалга ошириш шу бўлимнинг вазифасидир. Кенгаш қатнашчилари йирик корхоналарда ҳавога зарарли чиқитларни чиқариб юбориш устидан қаттиқ назорат ўрнатиш зарурлигини таъкидладилар. Тозалаш иншоотлари таъмирланиши, махсус фильтрлар ва зарарли моддаларни тутгичлар ўрнатилиши керак.

Автотранспорт шаҳар муҳитини булғатаётган тармоқлардан биридир. Ёнилғи сифати пастлиги сабабли автотранспортдан чиқадиган газда инсон саломатлиги учун хавфли моддалар сезиларли даражада кўпайди. Шу сабабли моторда ёнилғининг тўла ёнишига ёрдам берадиган техникавий қурилмаларни жорий этиш, ёнилғининг бошқа турларини, хусусан табиий газни тағин ҳам кенгроқ қўлланиш ҳозирги вақтда жуда муҳим ишдир. Кенгаш қатнашчилари ахлат ва турли чиқитларни қайта ишлашни қийин муаммо деб ҳисоблаб, бу ишни саноат негизига кўчириш зарурлигини таъкидладилар.

Кенгашда шаҳар учун ҳаётий муҳим бўлган шу вазифаларни бажариш учун катта корхоналарнинг раҳбарлари, мутахассислар, олимлар ва табобат ходимларидан иборат ишчи гуруҳини тузишга қарор қилинди. Улар экология ва саломатлик жамғармаси мутахассисларининг тавсияларига асосланиб, шаҳарда экология вазиятини яхшилашга доир аниқ дастурларни ишлаб чиқишлари зарур. Экосаннинг дастурларига саноат корхоналари, турли давлат ва жамоат ташкилотлари молиявий мадад беришлари учун республика ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида махсус ҳисоб варақаси очилди.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

• *Шу кун мавзуида*

ТИЖОРАТМИ, ҲИЖОЛАТ?!

ҲАЙРАТОМУЗ замон бўлди бу кун. Бозор иқтисодиёти, деган нарса чиқди-ю, туриш-турмушимизда тайин бўлмай қолди. Ҳаёт чавандозни эгардан кўтариб қочган ҳурковч отга ўхшайди. У қайси сўқмоқдан, қайси томонга елиб боряпти, билиб бўлмайди.

«Ўзи, тинчликми?» деб сўраяпсизми. Ҳа, тинчлик. Аммо...

Бозорда анвойи гулдан ясама гулнинг баҳоси баланд. Шаҳарда ҳозир нима кўп — тижорат дўконлари кўп. Худди «жанат»нинг ўзгинаси. Одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор. У ерга шундай «учар»лар ин қурганки, агар сизга «жон» керак бўлиб қолса, Арши аълога чиқиб келишдан ҳам таф тортишмайди. Фақат пулингиз қоп-қоп, белингиз бақувват бўлса, бас. Акс ҳолда...

— Нима, акс ҳолда? — деб сўрайсизми. Ахир тижорат дўконига кириб-чиқишнинг ўзи бўлмайди-да, биродар. Ҳали бир замон келиб сизу биздан дўкон ёнидан ўтганимиз учун ҳам пул — чўтал олишмаса бўлгани. Дўконда арзимас ўйинчоқ автомобилчанинг нархи 10 минг 500 сўм! Ё алҳазар! Тушимми ё ўнгим?! Бурноғи йили «ГАЗ-24» автомашинаси бор-йўғи 10 минг сўмча турарди-ку, ахир. Ана сизга тижорату, ана сизга ҳижолат!

Ҳозир тижорат дўконида бир жуфт қулинг ўргилсин ботинка ёки туфли қанча туради? Ҳа, нархи осмону фалак. Сиз уни сотиб олган бўлармидингиз? Қайдам, дейсизми? Ҳақ гап, сотиб ололмайсиз. Ўрта ҳол киши илож қилолмай бош қашиб турганда сизга йўл бўлсин! Яхшиси қўлга олиб, томоша қилинг-да, кетаверинг. «Кўрмоқ бору емоқ йўқ!»

Бошга тушганни кўз кўрар экан. Бу ҳам халқимизнинг доно нақли. Шаҳримиздаги сон-саноқсиз пойафзалларни созлаш дўконларининг олди нега одамлар билан доим гавжум, десам бунда гап бор экан. Ҳашаматли тижорат дўкони пештахталаридаги башанг пойафзалларга нарвон билан ҳам бўйи етмаган харидорлар эски оёқ кийимларини қўлтиққа уриб, тўғри шу ерга — ямоқчи ҳузурига ошиқишар экан. Ана сизга кори хайр! Бобокалонларимизнинг: «Ёз ёпинчиғингни қўйма, қишда ўзинг биласан» деганлари шу бўлса керак-да!

Биз ана шу иқтисодий қийин бир пайтда пойафзалларни тиклаш ва созлаш устахоналарининг иши қандай йўлга қўйилгани, аҳолига кўрсатилаётган хизматнинг аҳволи ва яратилаётган қулайликлар билан қизиқдик. Саволларимизга Тошкент шаҳар якка буюртмалар бўйича пойафзал тайёрлаш ва созлаш ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Турсунхўжа Тошхўжаевдан қуйидаги мазмунда жавоб олдик:

— Бирлашмамиз жамоаси ҳозирги қийин иқтисодий шароитда ҳам 2 миллиондан зиёд Тошкент шаҳри аҳолисига баҳоли қудрат хизмат кўрсатиб келмоқда, — деди Т. Тошхўжаев. — Меҳнатни тўғри ташкил этиш туфайли шу йил учун мўлжалланган режа ошириб адо этилди. Ҳозирги кунгача аҳолига 30 миллион сўм ўрнига 37 миллион 100 минг сўм ҳажмида хизмат кўрсатилди. Аҳоли жон бошига режалаштирилган хизмат 13 сўм 82 тийин ўрнига 17 сўм 09 тийинни ташкил этди.

... Ютуқлар ҳақида гапириш яхши. Бунга азалдан кўникиб қолганмиз Аммо ҳозирги пайтда ютуқлар ҳақида оғиз очиш негадир кишига эриш туюлади. Чунки, унинг қандай қийинчилик ва машаққатлар билан қўлга киритилаётгани ҳар бир кишига яхши аён. Ажабланарли томони шундаки, назаримда ҳозир худди эртаклардаги каби «Муаммолар мамлакатига» тушиб қолганга ўхшаймиз. Эртакда-ку афсун билан иш битади-қолади. Ҳаётда-чи.. тамоман ўзгача. Бу ерда афсун-уфсун, хом ҳаёл кетмайди. Ҳар бир қадамингни аниқ ҳисоб-китоб билан ўйлаб ташлашга мажбурсан. Шундай қилма санг, мўрт ёғочдай чўрт синишинг турган гап.

— Корхонани ривожлантириш ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида анча қийин аҳволга тушиб қолди, — сўзида давом этади касаба уюшма қўмитасининг раиси. — Цехларимизга ўрнатилган дастгоҳларнинг кўп қисми эскирган. Уларни янгилаш масаласи катта муаммо бўлиб қолмоқда. Илгари амал қилиб келган ўзаро шартномаларнинг бузилиши оқибатида жорий йилда ваъдадаги 61 дастгоҳдан биронтасини ҳам ололганимиз йўқ. Бу ҳол ишимизни янада мушкуллаштириб юборди.

Хомашё маҳсулотлари таннархининг ошиб кетганлиги ўз навбатида кўрсатилган хизмат учун олинадиган ҳақ миқдорининг кўпайишига сабабчи бўлди. Бизга хомашёнинг асосий қисмини Самарқанд ва Қўқон чарм заводлари етказиб беради. Афсуски, ҳозир бу заводлардан ўзимиз учун зарур хом ашёни етарли миқдорда ололаётганимиз йўқ. Шу кунгача Самарқанд заводи шартномада келишилган хомашёнинг 30 фоизини, Қўқон заводи — 40 фоизини етказиб берди, холос. Устига-устак нарх-наво симоб устунидек кўтарилиб бораяпти. Устки чарм-хромнинг нархи 100 баробар, фурнитуралар нархи 80 баробар ошиб кетди. Ишлаб чиқариш майдонининг ҳар квадрат метрига 350 сўмдан 500 сўмгача ижара ҳақи тўлаяпмиз. Коммунал хизмат учун олинадиган тўловлар ҳақи ҳам осмонда. Буларнинг ҳаммаси биз ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг анчайин қимматлашиб кетишига сабабчи бўлмоқда. Юқори баҳодаги пойафзалларимиз бозорда чаққон сотилаётганига қарамай корхонамизнинг чиқими киримдан ўзиб кетмоқда. Шу сабабли қарзга ботиб қолмаслик чора-тадбирларини излаяпмиз. Иккинчи шартнома асосида иш юритаяпмиз.

— Ана шу иқтисодий қийинчиликлар даврида ишчи-хизматчиларимизни ижтимоий ҳимоялаш муқаддас инсоний бурчимиздир, — дейди Т. Тошхўжаев. — Биз уларнинг қувонч ва ташвишларига доим шерикмиз. Касаба уюшмаси фаолларининг саъй-ҳаракатлари билан жамоа шартномасига жиддий ўзгартишлар киритдик. Нафақа ёшига тўлувчиларга иш стажига қараб 300 сўмдан 800 сўмгача бир йўла мукофот пули беришга қарор қилдик. Ҳозиргача 27 ишчи-хизматчимиз ана шундай мукофот пулларини олишди. Ёлғиз отаоналар ва кўп болали оилалар ҳам эътиборимизда. Янги йил арафасида уларга 400 сўмдан ёрдам пули бериш ниятидамиз. Уруш ва меҳнат фахрийлари, бошига мусибат тушган ишчи-хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳам бундай марҳаматдан баҳраманд бирлар.

Меҳнат қўнимсизлигини бартараф этиш мақсадида жамоа шартномасига меҳнат қонунларида кўрсатилганидан ташқари қўшимча янги имтиёзлар киритдик. Яъни, ишчи-хизматчиларимизнинг меҳнат отпускасига: 3 йилдан 5 йилгача ишлаганларга — қўшимча 1 иш куни, 5 йилдан 10 йилгача ишлаганларга — 2 иш куни ва 10 йилдан ортиқ ишлаганларга эса 3 иш куни қўшиб берилади ва ҳоказо.

Бирлашмада ўз касбини бир умр ардоқлаб келаётган фидойи кишилар, қўли гул моҳир усталар оз эмас. Халқимизга сидқидилдан холис хизмат кўрсатиб келаётган Исроил Қосимов, Рўзибой Жўраев, Пирхон Исмоилов, Н. Р. Сидоренко, Қаҳҳор Собитов, А. Л. Соколовский ва кўпгина бошқа илғорлар корхонанинг фахри саналишади. Улар айни вақтда кўплаб ҳунарманд ёшларнинг мураббийси ҳамдир. Дарвоқе, бундай ажойиб устозлар, ўз касб-корини шарафлаётган кишилар бор жойда иш доим олга босади, оқсамайди. Умидлар армон олдида сажда қилмайди.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.

ЯНГИ ҲОСИЛДАН ТОЛА

НАВБАТДАГИ иш куни тугади. Ишчилар бирин-кетин тўплана бошладилар. Ҳаммалари йиғилишгач, Баҳром уларнинг чеҳраларига бир-бир разм солиб чиқди. Ҳаммаси ҳам тетик, самарали иш кунидан хурсанд кўринишарди. Аъзолар тўпланиб бўлишгач, бригадир Баҳром Сиддиқов гап бошлади.

— Бугунги меҳнатимиз самараси чакки бўлмади. Биринчи бригада ишчиларидан анча ўзиб кетдик. Ойлик мукофот қўлимизда деяверинглар.

Дарҳақиқат, Чиноз туманидаги Чиноз пахта тозалаш заводида ўзаро меҳнат баҳси яхши йўлга қўйилган. Мусобақа ҳар ойда якунланиб, илғор бригада шарафига шон-шуҳрат байроғи кўтарилади ва 5 минг сўм пул мукофоти берилади. Ўтган октябрь ойи якунига кўра Баҳром Сиддиқов бош бўлган 2-бригада ишчилари илғор деб топилди ва мукофот шу бригада ишчиларига насиб қилди. Бригада ишчилари бир ойда 416 ўрнига 439 тонна тола ишлаб чиқариб, режани 105,5 фоизга уддаладилар.

Заводда ўнга яқин миллат вакиллари меҳнат қилади. Улар аҳил ва иноқ. Жамоа ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, мавжуд техника воситаларидан оқилона фойдаланиш туфайли режаларни доим ортиғи билан адо этмоқда. Пахта тозаловчилар ўтган ўн ой давомида анча самарали меҳнат қилдилар. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш режаси 129 миллион 402 минг сўмлик қилиб адо этилди. Бу режадагидан 5 миллион 202 минг сўм кўпдир. Ҳаммаси бўлиб 4747 тонна сифатли тола тайёрланди. Бу режада белгиланганидан 282 тонна ортиқдир.

Корхона жамоаси бир маромда ишламоқда. Ишлаб чиқариш суръатининг бирор кун ҳам сусайишига йўл қўйгани йўқ. Шу туфайли ҳам ҳар куни 54 тонна сифатли тола тайёрланмоқда. Айни вақтда чигит, момиқ тайёрлашда ҳам юксак унумдорликка эришилмоқда. Фойда олиш топшириғи ой сайин тўла ва ошириб уддаланмоқда.

— Корхонамизда учта бригада ўртасида ўзаро мусобақанинг яхши йўлга қўйилгани — ютуқларимиз омили бўляпти, — дейди завод директори Абдураҳим Муқимов. — Ишчи-хизматчилар қанча самарали ишласа, шунча кўп манфаат кўрмоқдалар. Қўшимча мукофотлар олишяпти. Шу кунга қадар жамоамиз тайёрлаган хом ашёнинг 200 тоннасини Венгрияга, 150 тоннасини Чехословакияга, 150 тоннасини Россия ҳамда 150 тоннасини Тошкентдаги тўқимачилик комбинатига етказиб бердик. Сингапур, Корея Республикаси, Индонезия, Олмония каби чет эл мамлакатларига ҳам кўплаб тола жўнатиш ниятидамиз.

1992 йил пахта ҳосилини қабул қилиш ва сақлашга пухта ҳозирлик кўрилганлиги ишимизга ривож берди. Ҳар йили пахта йиғимтерими айни қизғин паллага кирган долзарб даврда ўз ишларини қандай ташкил қилишни чуқур ўзлаштириб олган ишчи-хизматчиларимиз тажрибаларига суяниб ишламоқдалар. Айниқса, А. Мўминов, Ф. Умирова, Т. Бобоёров, З. Худойбердиев, А. Зуфаров, Т. Халилова кабилар сидқидилдан меҳнат қилишмоқда.

Бу ерда ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларига эътибор кучайиб бормоқда. Ҳозирги иқтисодий таназзул шароитларида бу мақсад йўлида барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Жумладан, ўтган йилда тўрт қаватли 48 хонадонли уй фойдаланишга топширилди. Пишиқ ғиштдан қурилган бу турар-жой биноси қурилиши учун корхона етарли маблағ ажратди. Бу ерда пахта тозаловчилар оилалари уй тўйлари ўтказдилар. Сирдарё бўсағасида дам олиш уйи ҳам қурилди. Бу ер ишчи-хизматчилар таътилларида ҳордиқ чиқарадиган масканлари бўлиб қолди.

Корхонада ёрдамчи хўжалик мавжуд. У йил сайин кенгайиб бормоқда. Ҳозир бу ерда 92 бош сигир, 580 бош қўй боқиляпти. Ҳар ойда бир марта ишчиларга арзон нархда гўшт тарқатилмоқда. Ҳар куни ишчи-хизматчиларга бепул сут берилади. Моддий ёрдам кўрсатишнинг бошқа усулларидан ҳам фойдаланиляпти. Тунги сменада ишлаётганларга бепул овқат берилянти.

Хуллас, шу кунларда завод ишлаб чиқариш бўлинмаларида бўлган киши қизғин меҳнатнинг шоҳиди бўлади. Ишчиларнинг ижодкорлиги, ҳалол меҳнати ва юксак маҳорати улар ишлаб чиқараётган маҳсулотда ўз ифодасини топган.

Т. ЭРҲЎЖАЕВ.

ЎТА САДОҚАТЛИ ЭДИ

... НИШОНГУЛ ая 1931 йили оламдан кўз юмганда Мусоқул ака уч фарзанди — Маса, Усмонали ва Жалол билан қолди. Ота бир умр оиласига содиқ қолди. Аёл ўрнида тандирга нон ёпди, сигир соғди, кир ювди, ота ўрнида оилани тебратди ва фарзандлари тарбиясига вақт топа олди. Улар бирин-кетин вояга етабошладилар.

Биз фарзандлардан бири Маса ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Тирикчилик-да, еттинчи синфни муваффақиятли битирган Маса пахтачилик бригадасида аравакашлик қила бошлади. Отасига қўл-қанот бўлди. Жамоа хўжалигидаги ёшлар уюшмасига аъзо бўлди. Кўп ўтмай уюшмага етакчилик қилишни ўз зиммасига олди.

Улуғ Ватан уруши бошланган кезларда Маса Мусоқов ўн тўққиз баҳорини қаршилаган эди. Тенгқурлари ва ўзидан бир неча ёш катта бўлган Фозил, Рисқул, Оққул, Раимқул, Аҳмадқуллар билан бирга она-Ватан ҳимоясига отланди.

У Ленинград остонасидан Рига шаҳрини озод қилувчи жанг майдонларигача бўлган оловли йўлни босиб ўтди. Танк созловчи сифатида 50 дан ортиқ жангда қатнашди. Ана шундай жангларнинг бирида танк аланга олиб, экипаж аъзолари ҳалок бўлди. Лекин, Маса ўзини йўқотмади. Ёниб турган танкни душман устига ҳайдаб юбориб, ўзи эпчиллик билан тушиб қолди.

Рига шаҳрини озод қилиш учун олиб борилаётган жангларнинг бирида Маса ака яна оғир жароҳатланди.

Қизил Юлдуз ордени ва бир неча медаллар билан ўз юртига қайтди. Бу пайтда қишлоқда биронта ўқитувчи йўқ эди. Туман халқ таълими бўлимидагилар унга ўқитувчилик қилишни таклиф этишди. Айни пайтда Тошкент шаҳридаги педагогика билим юртига сиртдан ўқишга кирди. Лекин, болаларни ўқитадиган бино йўқ эди. Маса қайнонаси Чиннигул момонинг меҳмонхонасини мактабга айлантирди. У ерда қишлоқнинг 60 нафардан ортиқ болалари икки сменада ўқитила бошланди. Ёш ўқитувчи дастлабки сменада биринчи ва учинчи, тушдан кейинги сменада иккинчи ва тўртинчи синф болаларига ўз тафаккури ва билими даражасида таълим бера бошлади. Педагогик маҳорати етишмай қолганида туман халқ таълими бўлимидагиларга мурожаат қиларди. Туман ижроия қўмитаси раиси Йўлдош Азимов, жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Йўлчи Парпиев, бош ҳосилот Сотиболди Ҳакимовлар билан ўқувчилар тез-тез учрашиб турардилар.

— Бундай учрашувлар бизни янада яхши ўқишга ундарди, — деб хотирлайди республика вазирлиги ходимларидан бири Иномжон ака Отақулов. — Ўшанда эндигина биринчи синфга қадам қўйгандик. Раҳбарлар мактабга от миниб келишарди. Ана шунда Маса ака «Сизлар ҳам яхши ўқисаларинг, катта бўлганларингда от миниб юрадиган бўласизлар» деб қозиқда боғланиб турган отларни кўз-кўз қиларди. Бу гаплар ҳар биримизни руҳлантирар эди.

Йиллар ўтди. Бирга ўқиган 62 нафар ўқувчидан 48 нафари мутахассис бўлиб етишди. Қолган 14 нафари ер илмининг ажойиб билимдонлари — бригадир, ҳосилот бўлиб ишлашди.

Ҳа, серҳосил, сершира мевали дарахтнинг ҳосилидан эл манфаат кўради, деганлари ҳақиқат экан. Эндиликда Маса ака Мусоқовнинг юздан ортиқ шогирдлари ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларида меҳнат қилишмоқда.

Қўлдош Мамиров — фан доктори, Мавжуда Турдиматова — медицина фанлари номзоди, Абдуразоқ Отақулов — иқтисод фанлари номзоди, Мансур Мамиров — таниқли ҳонанда, Иномжон Отақулов, Карамали Отақулов — турли ташкилотларда етакчи мутахассислар, Абдунарим Ортиқов, Неъмат Абдураимов, Роза Иброҳимова, Асқар Мусоқовлар педагоглар. Шогирдлари қайси бир соҳада ишламасин устозлари ўгитига амал қилишиб, эл манфаати йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда.

— Маса ака Мусоқов билан ўттиз йилдан ортиқ бирга ишладим, — дейди собиқ туман халқ таълими бўлими мудири Мусабек Сафаров. — У ўз касбига ўта садоқатли эди. 1965 йили Низомий номли педагогика олий таълим институтининг тарих факультетини тугатди. Ўқитувчиликни жон дилидан севарди. Болаларсиз яшай олмасди. У жамоа қўмитаси котиби, туман халқ назорати бўлими бошлиғи бўлиб ҳам ишлади.

Маса ака Мусоқов тўқиз нафар фарзандни умр йўлдоши Карматхон билан бирга вояга етказди. Асқар — ўқитувчи, Акбар — инженер, Зафар — механик, Жаннатой — тарбиячи, Зоҳид — қўли гул уста, Шаҳодатхон — педагог, Башоратхон — тарбиячи, Ҳамид — муҳандис, Солижон — ишбилармон пахтакор.

Бевақт ўлим уни ҳаётдан олиб кетди. Лекин, у шогирдлари, уни билганлар қалбида абадий яшамоқда.

Оққўрғон туманидаги «Маданият» жамоа хўжалигида маҳалла аҳли унинг номини абадийлаштириш учун харакат қилишмоқда. Бундай савобли ишни қўллаб-қувватлаш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

П. ЭРГАШЕВ.

• *ХОТИРА* •

«Оҳангарон» ижара хўжалигида

ШОЛИ КЎПАЙДИ

● ИККИ йилдирки хўжалик деҳқонлари «Оҳангарон» дарёсининг бўйларидаги илгари муттасил шоли экилиб, кейин унутилиб кетган ерларга шоли экишиб мўл ҳосил етиштирмоқдалар.

Бу йил ҳам шолидан мўл ҳосил кўтарилди. Айниқса, моҳир шоликор Жамол Файзиев, Жаҳонгир Аблазов сингари шоликорлар хўжалик омборига режада белгиланганидан анча кўп шоли топширдилар.

ЯНГИ БЎЛИМЛАР

● ИЖАРА хўжалиги ҳудудининг ҳаддан ташқари катталиги ва ишлаб чиқаришнинг кўп тармоқлилиги, айни пайтда янгидан ўзлаштирилган анчагина ерларнинг экин экишга тайёрланганлиги хўжаликда янги ишлаб чиқариш бўлимлари ташкил этишни тақозо этди. Шу муносабат билан хўжаликнинг илгариги учинчи бўлими ўрнида янгидан яна иккита бўлим ташкил этилди.

Янги ташкил этилган бўлимнинг бири асосан галлачилик билан бирга озуқа ишлаб чиқариш ва қўйчиликни тараққий эттириш билан шуғулланади. Унинг ёнида ташкил этилган бошқа бир янги бўлим эса хўжаликнинг Янка тут мавзесида жойлашган бўлиб сабзавотчилик, картошкачилик ва деҳқончиликнинг бошқа турларига ихтисослаштирилгандир. Тут қишлоғидаги бўлим эса асосан боғдорчилик, узумчилик ва қисман сабзавотчилик билан машғул бўлади.

Яқинда янги бўлимларга бошқарувчилар тайинланди.

ЭКИШ ТУГАЛЛАНДИ

● ХЎЖАЛИК галлакорлари келгуси йилда мўл галла ҳосили етиштиришга ҳозирдан киришдилар. Кўрилган тезкор тадбирлар натижасида 900 гектар майдонга арпа ва буғдой сепилди. Галлазорларнинг айрим жойларида уруғлар текис униб чиқди. Муҳаммад Парпиев, Акбар Маматов сингари галлачилик бригадаларида экинга дастласки ишлов бериш бошлаб юборилди.

Мўмин ҚАЮМОВ.



ЕТТИ ИҚЛИМДА НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА

СУРАТЛАРДА: республика халқ бадиий ҳунармандчилиги саноат-савдо концерни ранси С. Муҳаммаджонов (пастдаги сурат, ўнгда) билан корхоналар рассомлари янги дуррани кўздан кечирмоқда; концерн маҳсулотлари мана шундай гўзал ва жозибалидир.

Д. АҲМАД олган суратлар.



...АЗИЗ меҳмонга миллий тўн ва дўппи кийдириш ёки қимматли совға, ёдгорлик инъом этиш қўли очиқ, кўнгли тоза халқимизнинг асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган чиройли одати ҳисобланади. қўли гул чеварлар, ҳунармандлар, рассомлар томонидан яратилган зарбоф тўн, дурра, сўзана, шарқ миниатюралари ишланган ёғоч қути ва сопол лаган, пичоқ, камар, зеб-зийнат каби миллий дурдоналаримиз ҳар қандай инсон кўзини яшнатиб, дилини қувонтириши аниқ. Халқ амалий санъатига мансуб мазкур буюмларни республика халқ бадиий ҳунармандчилиги саноат-савдо концернига қарашли корхоналарда тайёрланишидан хабар топиб, унинг раиси С. У. МУҲАММАДЖОНОВ билан суҳбатлашдик.

— Мустақилликка эришган республикамизни ноёб санъат асарларидан қолишмайдиган ўзбек халқ амалий санъатининг дурдоналари билан жаҳонга машҳур қилиш асосий вазифаларимиздан ҳисобланади, — дейди Сурҳат Усмонович, — Ҳорижлик меҳмонлар, сайёҳлар айнан халқ яратган, қўлда ишланган ўзига хос такрорланмас эсдалик буюмларини жуда қадрлайдилар. Тошкентдаги «Шарқ гули», Андижон, Намангандаги бадиий буюмлар, Бухоронинг зардўзлик фабрикалари, Риштон сопол буюмлар корхонаси каби 12 корхонамизнинг моҳир, ўткир дидли рассомлари, чеварлари, усталари ишларидан ташкил қилинган кўргазмаларимиз АҚШ, Бельгия, Франция, Швейцария, Португалия каби мамлакатларда, қисқаси, етти иқлимда намойиш қилинган. Айни кунларда Грециядa юнонистонликлар маҳсулотларимиз билан танишмоқдалар. Яқинда Санкт-Петербург шаҳридаги савдо кўргазмада ҳам қатнашиш ниятимиз бор. Ҳорижликларнинг бу маҳсулотларимизга қизиқишлари катталигига бир мисол келтирмоқчиман. Исроилликлар Шаҳрисабзнинг ироқи нусха дўппиларидан 1 миллион дона тайёрлаб беришимизни сўрашяпти.

Бундан ташқари Бобур, Нодирабегим, Шароф Рашидов каби ўчмас сиймоларга, турли саналарга бағишланган мавзули томошагиламлар, сўзаналаримиз кўпчиликнинг диққатига сазовор бўлмоқда. Игна билан қўлда бажариладиган бундай ишларнинг қадри баланддир. Шунга ўхшаш кўплаб ишларимиз Андижондаги Бобур номли, Тошкентдаги халқ амалий санъати музейларидан доимий жой олган. Ташкилотлар ,ўлкашунослик музейларидан тушадиган буюртмалар асосида ҳам ишлашни йўлга қўйганмиз.

Ҳақиқатдан, концернга қарашли корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотлар гўзаллиги, бетакрорлиги билан кишини лол қолдиради. Билишимизча, Тошкентдаги халқ амалий санъати музейи қошида махсус дўкон очилган бўлиб, у ерда номлари юқорида тилга олинган маҳсулотлар билан савдо қилинар экан. Корхона, ташкилот раҳбарлари ҳамда фуқаролар меҳмонлари, ёрдамчиларига энг муносиб совғаларни шу дўкондан сотиб олиш имкониятига эгадирлар. Қўли гул чеварларимиз, рассом ва ҳунармандларимизга миллий анъаналаримизга содиқ қолиб, отабоболаримиздан мерос бўлмиш халқ амалий санъати асарларини кенг тарғиб этишда, унинг донгини ёйишда куч-қувват тилаймиз.

Р. ШОЖАЛИЛОВ.

• Қариялар уйидан мактуб

СИЗДАН МЕҲР СЎРАЙМИЗ

ЁЛҒИЗЛИК ўлимдан ҳам оғир. Ёлғиз кишига байрамлар ҳам татимайди. Юрагидаги дард — «оғир тош» уни мудом қийноққа солади. Яқиндагина Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллиги ҳамма жойда кенг нишонланди. Қариялар уйида ҳам бу қутлуғ байрам чиройли қилиб ўтказилди. Зеб билан ясатилган дастурхон атрофида қуй-қўшиқлар янгради. Табрик сўзлари айтилди. Бу ерга ташриф буюрган ҳар бир киши қарияларнинг кўнглини кўтаришга интилдилар. Лекин минг афсус билан айтаман, мана шундай шодиёна кунда биз қарияларнинг юзимизда табассум уфуриб турган бўлса-да, кўзларимиз кўчада бўлди. Байрам баҳонасида бир йўқлаб қўяй, деб бирор яқинимиз келиб қолармикан деган илинжда кўча қарадик, биз. Мен-ку майли, лекин бу ерда яшовчиларнинг маъюс, нимагадир интиқ кўзларига боқиб юрагим аламдан ўртанади. Қариндош-уруғларку ўз йўлига, бироқ қачонлардир бағрига босиб алла айтган, эркалатиб суйган, топганини ўзи емай, боласига тутган онахонлар, меҳрибон отахонлар фарзандларидан, ҳатто бир энлик табрик хати ҳам олмадилар-а! Шундай қутлуғ кунда уларни орзиқиб кутдик, жигарларимизни бир кўришга зор бўлдик.

Айниқса, қариялар билан ёнма-ён яшаётган, ҳали ўн гулидан бир гули ҳам очилмаган икки ёшга ачинаман. Қорақалпоғистонлик Ўрозгул Асқарова ва янгибозорлик Кумушой Челинбоева улар. Ҳар иккиси ҳам фалажлик туфайли юролмайдилар. Ўрозгулнинг паҳлавон келбатли акалари бор. Ногирон синглисидан хабар олиш у ёқда турсин, байрам куни бир энлик хат ёзиб юборишга ҳам вақт топмасалар? Кумушойнинг яқинлари яшаётган қишлоқ эса қўл узатса етгулик...

Нега улар келмади? Бу ёшларнинг гуноҳи нима? Ногиронлигими? Наҳотки шунинг учун орзулари армонга айланган кўнгли яримларни бир чеккага суриб ташлаш шарт бўлса?!

Ҳар куни уларнинг олдига чиқаман. Ҳол-аҳволидан хабар оламан. Кўнгилларини кўтаришга ҳаракат қиламан. Лекин сезиб тураман. Уларнинг қалблари нимагадир интиқ.

Бу мактубни узоқ ўйлаб, сўнг ёзишни лозим топдим. Зора ота-оналарини қариялар уйига элтиб қўйганлар ўқишса?...

Ёшлардан ўтиниб сўрайман. Ота-онангизни, яқинларингизни ҳеч қачон ёлғизлик гирдобига ташлаб қўйманг.

Яхшиямки, қариялар уйида диёнатли, инсофли, иймонли кишилар меҳнат қилишади. Директор Эргашхон Оқилов ҳар куни бизнинг ҳолимизни сўрайди. Яра қалбимизга озгина бўлса-да, малҳам беришга ҳаракат қилади. Ходимлардан Парда Қурбонбоев, И. Муллажонов, С. Холқўзиев, шифокорлардан Ўғилой Алиева, Мавлуда Ботирова, Ҳалима Абдуҳаипова, қўллари «ширин» ошпазларимиздан Б. Мирсолиҳова, З. Чернибекова, К. Бойзоқова, М. Каримоваларнинг ҳар бири биздан хабар олиб туришади. Фурсатдан фойдаланиб, уларга минг бор раҳмат дейман.

Баъзан ўтириб ўйлаб қоламан. Оғир кунларни бошдан кечирдик. Қимматчилик эмас, қаҳатчилик йилларини ҳам кўрдик. Лекин ўша дамда ҳам меҳр-оқибат деган улуғ туйғу бор эди. Энди-чи? Инсоннинг қадр-қиммати қаёққа кетди? Лекин менда ҳали ишонч катта. Бизнинг ўзбеклардан ноқобил фарзандлар — камдан-кам чиқади. Ҳозирча, эса афсуски орамизда ноқобиллар ҳам бор.

Нима бўлганда ҳам, бир бор адашган, ўз ота-оналарини қариялар уйига топширганларни инсофга чақирамиз. Биз қариялар сизлардан меҳр сўраймиз. Зеро, ота-она меҳри қанчалик улуғ бўлса, фарзандникн ҳам шунчалик ширин. Сўзимнинг охирида шундай дейман: «Илоё Ватанимиз тинч бўлсин. Келажагимиз янада гуллаб-яшнайверсин. Ҳар бир фарзанд ўз ота-онасига меҳрибонлик қилсин...

Салом билан Оҳангарон шаҳридаги қариялар уйида яшовчи II гуруҳ ногирони

Абдулла ҲАЙИТОВ.

ТАҲРИРИЯТДАН: ҳақиқатан ҳам бу мактуб киши қалбини ларзага солади. Ўз ота-оналарини ташлаб қўйган тирик фарзандлар (фарзанд деишга ҳам тилингиз бормайди)га нисбатан кишида нафрат уйғонади. Яхшиямки, давлат қаровсиз қолганларни ўз оталиғига олган. Бўлмаса, бундай нотавонлар ўз жигарларини яна қандай қўйларга соларди... Яхшиси, дард-алам, изтиробга тўла бу мактубга сўнгги сўзни сиз айтарсиз, азиз муштарий!

ГЎЗАЛЛИК ПОСБОНЛАРИ

ОҲАНГАРОН тиш шифохонасига кириб борар экансиз, бу ерда Давлат тилининг ўзига хос нафасини сезасиз. Кираверишдаги «Гўзаллик — соғлом тишлардан бошланади» деган ўзбекча лутфни ўқийсиз-у мамнун бўлиб кетасиз. Кенг, ёруғ даҳлизда шифохона ҳаётини акс эттирувчи турли расмлар, кўргазмали ташвиқот, деворий рўзномаларга кўзингиз тушади. Эшиклар тепасида чиройли битиклар сизга зарур ходимларни кўрсатиб туради...

Қайднома бўлимида ширинсухан ҳамширалар тезда зарур ҳужжатларни муҳайё қилиб, тегишли шифокорларга йўллайди. Қайдноманинг ёнида «бош шифокор» деган ёзувли эшикка кирамиз. Бош шифокор Шуҳрат Содиқов очиқ юз билан қарши олади.

Гўзаллик посбонларининг жўрабошиси — Оҳангаронда ўз малакаси, қўли енгиллиги, одамохунлиги билан танилган шифокор жарроҳлик ва тиш касалликлари, уларнинг олдини олиш борасида тўлқинланиб сўзлайди бизга.

— Соғлом тишлар жисм учун ўзига хос тегирмон, ундан майдаланиб ўтган озуқагина ошқозонга, умуман барча аъзоларга зарур нарсаларни етказиб беради, — дейди у, — жаг ва тиш орасида камида 20—22 марта чайналган луқма ҳалолгина ўз вазифасини яхши бажаради. Бу ишларни бажаришда тишларнинг соғлом, гўзал бўлиши учун барча одамлар ҳар куни 2 мартадан тишни ювишлари зарур, шундагина озиқлар тишнинг эмаль қопламасини емира олмайди. Тишлар оғриқдан ҳоли бўлиб, ўз вазифасини мукаммал бажаради.

— Кариес деган баттол дард бўлар экан, кўпчилик шу касалликдан азият чекади, район ва шаҳарда бу ва умуман тиш касалликларининг олдини олиш учун қандай амалий ишлар олиб борилмоқда? — деб сўраймиз Ш. Содиқовдан.

— Ҳа, бу дард ва бошқа тиш касалликлари инсон жисмидаги бошқа аъзолар — ошқозон, буйрак, жигар ва бошқаларнинг меъёрий ишини издан чиқариши билан ҳам хавфлидир. Бизнинг шифохонамизда кўп йиллардан буён ишлаб, тажриба орттирган малакали мутахассислардан Г. Раимқулова, О. Орипова, М. Ориқулова, Х. Исақулова, Л. Данилова, Т. Қиличева ва бошқаларнинг ҳар бири даволаш билан бирга тишларни парваришлаш, асраш бўйича ҳам маслаҳатлар бериб борадилар...

Ф. ПАРДАЕВ.

КУЛЛИЁТ НАВҚИРОН ЁШДА

Тошкент дорилфунуни журналистика факультети ташкил этилганига чорак аср тўлди. Ана шу айём муносабати билан дорилфунун маданият саройида «Мустақил жумҳурият журналистикаси муаммолари» мавзуида илмий-назарий конференция бўлиб ўтди.

Куллиёт профессор ва қитувчилари, талабалари ушбу даргоҳда таҳсил олган журналистлар билан биргаликда байрам қувончини баҳам кўриш, шу баҳона матбуот муаммоларини муҳокама қилиш ниятида ҳамдўстлик мамлакатларидан Я. Засурский ва Р. Овсепян каби таниқли олимлар ташриф буюрдилар. Анжуманда куллиёт халққа ҳақ сўзни етказишдек олижаноб вазифани бажарувчи мадакали журналистлар тайёрланадиган йирик марказлардан бирига айлангани таъкидланди.

(ЎзА мухбири).

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ЙЎЛЛАР РАВОН ЭМАС

Тошкент вилояти ҳудудида 1992 йилнинг ўн бир ойи мобайнида 1761 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлиб, 354 киши ҳалок бўлди. 1963 киши эса ҳар хил тан жароҳати олишди.

ЙЎЛ ҳаракати қоидаларига риоя қилиш биринчидан, транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланишини таъминласа, иккинчидан йўлларда юз бериш эҳтимоли бўлган бахтсизлик ҳодисаларининг олдини олади, кишилар ҳаётининг хавфсизлиги таъминланади, давлат ва халқ мулки бўлган автотранспорт воситалари ишдан чиқмайди.

Йўлларда содир бўлаётган ҳодисалар ўз-ўзидан тасодифан рўй бермай, унинг келиб чиқишига ҳайдовчи ёки пиёда, транспорт воситаларининг носозлиги, йўлларнинг яроқсизлиги, ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини ҳаддан ташқари тез ёки шиддаракайф ҳолда бошқаришлари, чорраҳалардан ўтиш ва қувиб ўтиш қоидаларини бузганликлари ва пиёдаларнинг яқин келиб қолган транспорт воситаларининг олдидан кесиб ўтишлари сабаб бўлади. Шу қоидабузарликлардан яна бири — сирпанчиқ йўлларда ҳайдовчилар ва пиёдаларнинг бефарқ юришларидир.

Мана, ёз ва куз фасли ўтиб, қиш фасли ҳам бошланди. Энди қор-ёмғир ёғиши натижасида йўллар сирпанчиқ бўлади. Ёзнинг текис, қуруқ йўлига ўрганиб қолган баъзи қондабузар ҳайдовчилар бошларини бир ерга бориб дўқ этиб уришини кутмаслиги керак. Улар шуни унутмасликлари керакки, транспорт воситаларининг тезлигини ҳамма вақт ҳам бир хилда сақлаб бўлмайди. Айниқса об-ҳаво ноқулай пайтларда, қор-ёмғир ёғиб турганда ҳўл, қор босган ва муз қоплаган йўлларда ҳаракат тезлигини маълум шарт-шароитларга қараб танлаш лозим бўлади. Ана шуларга амал қилмаган ҳайдовчилар бахтсиз ҳодисаларга дучор бўлишлари турган гап.

Автоинспектор кундалиги

1992 йилнинг 12 февралида Тўйтепа автокорхонаси ҳайдовчиси Абдуқаюм Душабоев ўзига бириктирилган ПАЗ-672 маркали 00—12 ТШБ давлат белгиси бўлган автобусни «Тўйтепа—Қизилтоғ» йўлида бошқариб кетаётиб, йўлнинг 20-чақиримида муз қоплаган йўлда тезликни оширганлиги натижасида рулни бошқаролмай қолади ва автобус ағанаб кетади. Натижада икки йўловчи тан жароҳати олишади.

Чирчиқ шаҳридаги Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўта чидамли материаллар комбинати токари Ботир Мирвалиев веломоторда қор қоплаган йўлда қандай юришни синаб кўрмоқчи бўлади. Натижада веломотор сирғаниб ағдарилиб кетади ва ҳайдовчи боши билан қаттиқ урилиб, ҳаётдан бевақт кўз юмади.

Яна бир мисол. 1992 йилнинг 11 январида ҳайдовчи Рустам Йўлчиев ўзининг тажрибасизлиги натижасида ВАЗ-2103 маркали А-66—55 ТШ белгили автомашинасини муз қоплаган йўлда ҳайдаб кетаётиб рулни бошқаролмай қолади. Натижада 1969 йилда туғилган Ирина Кудрявцевани, 1964 йилда туғилган Машраб Исмонилови ва 1964 йилда туғилган Зоҳида Тўйчиевани уриб кетади. Уч нафар бегуноҳ пиёдалар воқеа содир бўлган жойда ҳалок бўлишади. Ҳайдовчи ва ёнидаги йўловчи Наталья Соколовалар тан жароҳати олишиб, шифохонага келтирилади.

1992 йил 7 февралида Оққўрғон шаҳри ҳудудида 1969 йилда туғилган Бахтиёр Турсунқулов ўзининг давлат белгиси йўқ мотоциклини бошқариб кетаётиб, сирпанчиқ йўлда ағдарилиб кетади ва жароҳат олиб шифохонага тушади.

Келтирилган мисоллардан шу нарса кўриниб турибдики, йўлнинг сирпанчиқ бўлиши ҳайдовчилардан маҳорат, тажриба ва ўта эҳтиёткорликни, йўловчилардан эса ҳушёрликни ва кўча ҳаракати қоидаларига тўлиқ амал қилишлари шартлигини талаб қилади. Бахтсиз ҳодисаларга учрамаслигимиз ўзимизга боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз керак.

А. ҚУШБОЕВ,
Тошкент вилояти ИИБ Давлат автомобиль назорати бошқармаси ходими, милиция капитани.

ИТНИНГ КЕТИГА ТУШИШДИ

Мексикада наркотик моддаларни истеъмол қилувчи контрабандалар «Морко» лақабли итни ўлдирган кишига 25 минг доллар мукофот тайинлаган. Морко уч яшарли овчи ит бўлиб, айтишларича соатига 100 километр тезликда юрадиган автомобилга беркитилган наркотик моддани ажрата олар экан. Полиция Морконн махсус бир автомобилга бир ўзини жойлайди, у ерда махсус бир туйнук бўлиб, Морконинг бурнига тоза ҳаво кириб туради. Полиция шубҳаланган автомобиль ортидан боради ва бир неча минутдан сўнг Морко автомобилда наркотик модда борми ёки йўқлигини аниқлаб беради. Моркони тарбиялаган Хенд Александринг айтишича, бу ит шу кунгача 7 тоннадан ортиқ марихуанна, 500 килограмм кокаин ва тахминан 8 килограмм ирсонин ҳидидан топиб берган. Морконинг сеагирлиги сабабли юздан ортиқ наркотик моддалар билан шуғулланувчи кишилар турмада яшамоқдалар.

(«САДО»дан).

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

● **ПАРИЖДА Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Франциядаги энг йирик банклардан ҳисобланган «Креди коммерсиал де франс» банки ўртасида битим имзоланди. Мазкур битимга биноан Франция томони Ўзбекистон банкига банкчи ва халқаро фаолиятнинг барча соҳаларида кўмак беради, Ўзбекистон Жумҳуриятида чет элликлар иштирокидаги лойиҳаларни экспертизадан ўтказади, Ўзбекистон иқтисодиётининг йирик тармоқларига сармоя сарфлай оладиган кишиларни танлай бошлайди. Жумладан, қишлоқ хўжалик хом ашёсини охиригача қайта ишлаш, енгил, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, нефть, газ қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш, саёҳатчилик кабилар шулар жумласига киради. Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг «Креди коммерсиал де франс» ҳисобидаги маблағларини «Видеобанк» тизимидан фойдаланиб, бошқаришни ташкил этиш тўғрисида аҳдлашилди. Ўзбекистон ходимларини тажриба ўрганиш учун Францияга юбориш, шунингдек, у ердан пойтахтимизга ишлаш учун маслаҳатчиларнинг келиши кўзда тутилди. Битимга Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси Р. Азимов билан «Креди коммерсиал де франс» президенти М. Пебро имзо чектилар.**

● **ФАЛАСТИН Озодлик Ташкилоти ўтган ҳафтада Исроил ҳарбийларининг босиб олинган ерлардаги янги жиноятларига қарши қатъий норозилик билдирди. Ташкилот вакили олти нафар фаластинликнинг, шу жумладан, ўн яшар қизчанинг ўлдирилиши ҳамда кўпчиликнинг жароҳатланганини узоқ йиллардан буён давом этиб келаётган фаластин халқига қарши жиноятнинг давомидир, деб баҳолади.**

● **КУРД Ишчи партиясига мансуб бир гуруҳ жангарилар яқинда Туркиянинг Диёрбакр туманида бир автобусни ўққа тутиб, уч аёл, икки гўдакни ўлдириб, ўн бир йўловчини ярадор қилдилар.**

● **РЕЙТЕР ахборот агентлиги Никосиядан Ироқ исломий инқилоби олий кенгашининг ўтган ҳафтада Теҳрон радиоси орқали тарқатган баёнотига асосланиб, қуйидаги хабарни берди: Ироқнинг ҳозирги тузумини ағдариб ташлаш мақсадида ватан уюштирган Ироқ республикаси миллий гвардиясининг бир гуруҳ зобитлари қўш этилиб, отиб ташландилар. Аммо хабарда қанча зобит қатл этилгани ва ҳукм қачон ижро қилингани ҳақида маълумот берилмади. Мазкур кенгашнинг бошқа бир баёнотида Ироқ пойтахтидан ўн бир чақирим олисликда бўлган, мамлакатнинг шимоли-ғарбида жойлашган Самарра шаҳрида бир неча кун муқаддам бир муллага Ироқ президентининг суратини масжидга осмаганлиги айб сифатида қўйилиб, унинг ўзи ва оиласи қатл этилган.**

● **МИСР Араб Республикаси президенти Муҳаммад Ҳусний Муборак воситачилигида Саудия Арабистони подшоҳлиги билан Катар давлати ўртасидаги чегара можароси ҳал этилди. Гап шундаки, шу йил сентябрь ойида бўлиб ўтган чегаралардаги тўқнашувлардан кейин икки қўшни давлат ўртасидаги муносабатлар анча-мунча чигаллашган эди. Мана шундай чегара низоларига ек қўювчи ҳужжат Мадина шаҳрида имзоланди. Унга Саудия Арабистони, Катар, шунингдек, Миср ташқи ишлар вазирлари имзо чекдилар.**

● **СОМАЛИДАГИ очлик ҳамон давом этмоқда, кишилар бошига кўплаб фожиалар келтирмоқда. Озиқ-овқат ва инсонийлик ёрдамлари карвонларини қўриқлаш учун Сомалига келган АҚШ аскарлари тартиботни бирмунча изга солишга муваффақ бўлдилар. Навбатдаги 300 тонна буғдой ортилган транспорт карвони Сомалининг Байдоа шаҳрига етиб келди. БМТ умумжаҳон озиқ-овқат дастури таркибига кирувчи 20 та юк машинасини Американинг 60 нафар денгиз пиёдачилари 15 та ҳарбий машинада кузатиб борди. Дон-дун ушбу аҳоли яшайдиган жойнинг 20 та масканида очлиқдан қийналаётган одамларга тарқатилади.**

● **ИТАЛИЯ республикаси пойтахти Римда Милод байрами олдидан «СССР, исёнчилари» деб аталган янги кўргазма очилди.**

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32.

Телефонлар:

ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ — 33-40-48.
АХБОРОТ, ТИЖОРАТ ВА ЭЪЛОНЛАР БЎЛИМИ — 33-99-15.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, Газета офсет усулида А—2 форматида босилди. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: Г-516. Индекс: 64872. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 20.30. 31730 нусха босилди.